

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 338.465.4: 330.123.6

ШОКИРОВ ЖАМҲУР РОФЕЕВИЧ
ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ ҲОЛАТИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(Самарқанд вилояти мисолида)

5A230102-“ Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертацияси

Иш кўриб чиқилди ва

химояга қўйилди.

“Иқтисодиёт” кафедраси

муdiri, в.б., и.ф.н. Ш.А. Султонов

“ 21 ” *шоч* 2014 й.

Илмий раҳбар

и.ф.н. доцент А.Б. Бектемиров

Самарқанд – 2014 й.

М У Н Д А Р И Ж А

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ	12
1.1. Ўзбекистонда қурилиш хизматлари соҳасини тикланиш босқичлари ва ҳолати	12
1.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда қурилиш соҳасининг тутган ўрни	18
1.3. Қурилиш хизматларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	25
I боб бўйича асосий хулосалар	30
II БОБ. ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР РОЛИ	32
2.1. Қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	32
2.2. Қурилишда инновацион жараёнлар хусусияти	41
2.3. Капитал қурилишга жалб этилаётган инвестицияларнинг оптимал ҳажмини аниқлашнинг иқтисодий математик модели	47
II боб бўйича асосий хулосалар	54
III БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ	56
3.1. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматининг ўрни	56
3.2. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлили	64
3.3. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ҳажмини прогнозлаш	68
3.4. “Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарда ходимлар ҳаёт фаолияти хавсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар	75
III-боб бўйича қисқача хулосалар	79
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	85

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда бозор муносабатларга асосланган янги иқтисодий тизим вужудга келган бир шароитда барча соҳаларда қурилиш хизматини кўрсатиш фаолияти муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ушбу тизимнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат: кўпмулкчиликнинг ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолият турларининг эркин танланиши, талаб ва таклифнинг устуворлиги, иқтисодиётнинг эгилувчанлиги, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, рақобатнинг мавжудлиги, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойилига тўлиқ амал қилишлик бўлиб ҳисобланади. “Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз” .- деб таъкидлаган эди Президентимиз ўзининг 2011 йилнинг якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида¹.

Бозор иқтисодиёти мавжуд қурилиш субъектларидан кўпроқ даромад ва фойда олишни тақозо қилади. Эндиликда қурилиш хизматларидан фойдаланиш фақат самара келтириши кераклиги муҳимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида барча қурилиш корхона ва ташкилотларининг асосий мезони ҳам хизматлардан самарали фойдаланиш туфайли олинган фойда билан белгиланади. Бундай натижага қабул қилинган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилиш орқали эришиш мумкин. Иқтисодиётни ривожлантириш ва уни халқаро талаблар даражасига кўтаришда қурилиш хизматини кўрсатиш бошқа корхоналарнинг фаол фаолият кўрсатишлари учун муҳим замин яратади.

Иқтисодиётни эркинлаштирилиши ва ислохотларни чуқурлаштирилиши натижасида қурилиш хизматини кўрсатиш корхоналари

¹ Каримов И.А 2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга кўтараядиган йил бўлади. “Халқ сўзи” 2012 йил, 30 январ.

фаолиятининг самарадорлигини оширишга, корхоналарга маслаҳат, йўл-йўриқлар, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали қурилиш хизматларига талаб кучаймоқда. Зеро қурилиш хизматлари фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак бўлмоқда.

Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда қурилиш хизматини кўрсатувчи корхоналарда молия – хўжалик фаолиятини назорат қилиб турадиган, фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисоботларнинг Республикамиздаги барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мос ҳолда уларни қонуний хизмат кўрсатилишини таъминлашдан иборат.

Қурилиш хизматлари – бу истеъмолчиларнинг буюртмаси асосида ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ишларини ўз ичига оладиган қатор хизматларидир. Қурилиш хизматлари аҳоли буюртмаси асосида турар жойлар (хонадонлар ва уйлар)ни таъмирлаш ва қурилиш ишларини ҳам ўз ичига олади.

Қурилиш моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи бўлиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, техникаси, технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши ҳамда бошқарув тизими билан фарқ қилади. Қурилишнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб, улар мамлакатнинг миллий бойлигини ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосини ташкил қилади. Маҳсулотнинг кўп капитал ва меҳнат талаб қилиши, меҳнат предметлари ва қуроқларининг кўчма характери, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойда стационар ўрнашган бўлиши, ишчиларнинг касбий таркиби, ишлаб чиқариш циклининг узоклиги ва бошқалар қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Моддий-техник базанинг етарли бўлиши – қурилишнинг халқ хўжалиги тармоғи сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир. Бунда моддий-техник базанинг қурилиш дастурига нисбатан илдам ривожланиши инвестицион-қурилиш вазифаларини ҳал

қилишнинг асосий тамойили ва зарур шартидир. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш ишлаб чиқаришнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниш лозим.

Миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, захираларни топиш ва уларни сафарбар этиш, қурилишнинг капитал сарфларини ва қурилиш муддатларини камайтириш инвестицион-қурилиш жараёнидаги барча иштирокчиларнинг муҳим вазифасидир.

Қурилиш иқтисодиётини ислохлаштириш умуммиллий иқтисодиётни ислохотлаштиришнинг таркибий қисмидир. Давлат қурилиш ислохотлаштиришнинг устувор йўналишларини танлашга имкон беради.

Тармоқ иқтисодиётининг аҳволи ва кўрсаткичлари қурилиш хўжалик юритишнинг тўлиқ бозор механизмларини амалга ошириш бўйича бошқа тармоқлардан анча орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, мулк эгалари синфининг шаклланиши суст, йирик хусусий қурилиш фирмалари йўқ, тадбиркорлик фаолияти ҳам керакли суръат ва кўламга эга бўлгани йўқ, қурилиш ташкилотлари ўртасида ҳали жиддий рақобат ҳам йўқ. Бугунги кунда хўжалик юритишда тобора мустақил бўлиб бораётган қурилиш мажмуаси ва аввало унинг ишлаб чиқариш бўгинларини қайта қуриш лозим.

Қурилишнинг самарадорлигини ошириш ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантиришни, йирик, ўрта ва кичик қурилиш корхоналари ва ташкилотларини оқилона бирлаштиришни кўзда тутати.

Юқоридаги сабабларга кўра, мамлакатда қурилиш хизматларининг йўлга қўйишни унинг самарали тадбирлари тизимини янада фаоллаштиришнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш иқтисодий тараққиётни амалга ошириш шароитида алоҳида аҳамиятга эга долзарб муаммолардан бўлиб қолаётгир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизматлар соҳасини самарали ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштириш муаммоларига оид масалаларни ечишда ўзининг муҳим ҳиссаларини қўшган

хорижлик олимлари қаторига А.Смит², Д.Рикардо³, Ж.Б.Сей⁴, П.Ф.Друкер⁵, И.Г.Тюнён⁶, К.Маркс⁷, Й. Шумпетер⁸ларни киритишимиз мумкин. Иқтисодиётнинг хизматлар соҳасига узлуксиз ўтиб бориши ва бунда қурилиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, қурилиш хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ назарий масалалар собиқ иттифоқ ва россиялик олимларидан А.Н. Асаул⁹, В. А.Заренков¹⁰, В.В. Бузирев¹¹, Б. Я. Ионас¹², В.А.Фисун¹³, М. М. Лагинов¹⁴, В.Л.Иваницкий¹⁵ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Жумладан профессор А.Н.Асаул қурилиш мажмуининг бозор муносбатларига ўтиш натижасида барча қурилиш ташкилотлари ва қурилиш конструкциялари қурилиш саноати харидорларига ва бир вақтнинг ўзида тайёр иншоотларни сотувчиларига айланади ва оддий ишлаб чиқарувчи вазифасини бажарадилар¹⁶.

Ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, хусусан қурилиш хизматининг таҳлили асосида илмий тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимлар сифатида Н.Ж.

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Эксмо, 2007.—320стр

³ Раззоков А., Тошматов Ш., Урмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т.: Иқтисод молия, 2007.—320 бет

⁴ Шу ерда 128 бет.

⁵ Друкер П. Управление в обществе будущего. М.: Вильямс ИД, 2007. — 320с.

Друкер П. Эффективное управление. Экономические задачи и оптимальное решение. М.:Файр-пресс. 1992 г.—126 с

⁶ Иоганн фон Тюнен. «Изолированное государство в его отношении к сельскому хозяйству и национальной экономике» (нем. *Der Isolierte Staat in Beziehung auf Landwirtschaft und Nationaloekonomie*), Нефедова Т.Г. Сельская Россия на перепутье: Географические очерки. М.: Новое издательство, 2003. с. 290—304 сс

⁷ К.Маркс. Капитал 1 том. 1-боб. Товар ва пул. Т: 1976 й— 900 бет

⁸ Шумпетер И. Теория экономического развития. М., 1982. С.63-64.

⁹ Асаул А.Н. Предпринимательская деятельность в строительном комплексе (экономические проблемы).- СПб.: ИСЭП РАН, 1996.-236 с.

¹⁰ Заренков В. А. Проблемы развития строительных компаний в условиях российской экономики. — СПб.: Стройиздат, 1999. Организация строительного производства: Учебник для вузов / Под ред. Цая Т. Н.,Грабового П. Г. — М.: Ассоциация строит. Вузов, 1999.—362 с

¹¹ Бузырев В.В., Ивашенцева Т.А., Кузьминский А.Г., Щербakov А.И. Экономика строительного предприятия: Уч. пос. - Новосибирск: НГАСУ, 1998. — 275 с.

¹² Ионас Б.Я. Экономика строительства. — М.: Стройиздат, 1989. — 286с.; 1.Белкин В., Стороженко В. Жилищное строительство как фактор демографической динамики // Вопросы экономики, 2009, №10, с.144-149;

¹³ Фисун В.А. Экономика строительства: Уч. пос. — М.:РГОТУПС, 2002. — 232 с.

¹⁴ Лагинов М.П., Логинова О.Н. Российский ипотечный комплекс — стратегия развития // Деньги и кредит, 2010, №3, с. 44-48.

¹⁵ Иваницкий В.Л., Поляков В.Г., Полякова О.В., Щербakov А.И. Инвестиционная деятельность в строительстве: Уч. пос. - Новосибирск: НГАС, 1997. - 108 с.

¹⁶ Асаул А. Н., Скуматов Е. Г., Локтеева Г. Е. Методологические аспекты формирования и развития предпринимательских сетей / Под ред. д. э. н., проф. А. Н. Асаула. — СПб.: «Гуманистика», 2004. —172 стр

Туйчиев¹⁷, Ж.И.Исроилов¹⁸, Б.Х. Раҳимов¹⁹, Э.А. Шомурзаев²⁰, Р.И.Гимуш²¹, И.Турдибеков²², Х.Т.Бўриев²³ ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Умуман, иқтисодий адабиётларда хизматлар кўрсатиш секторида қурилиш хизматларининг таҳлили, уларни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида, махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур комплекс тадқиқ этилмаган. Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг аксарияти режали иқтисодиёт шароитида амалга оширилган бўлиб, уларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли, республикаимизда қурилиш хизматларининг ўзига хос хусусияти ўз аксини топмаган. Юқорида таъкидланганлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Иқтисодиёт кафедраси илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодий тараққиётни таъминлашда қурилиш хизматларини янада кучайтириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг олдида қуйидаги вазифалар кўйилди:

- иқтисодий ўсиш асосини яратишда қурилиш хизматларининг тутган ўрнини ёритиш;

¹⁷Н.Ж. Туйчиев. Кўчмас мулкни баҳолаш хусусиятлари. «АРХИТЕКТУРА. ҚУРИЛИШ. ДИЗАЙН Илмий-амалий журнал, 2010 йил №3, 61-65 бет

¹⁸Ж.Исроилов. Қурилиш ташкилотларида фойдалилик нуқтаси ва уларнинг иқтисодий хавфсизлиги билан боғлиқ кўрсаткичларини баҳолаш йўллари

¹⁹Б.Х. Раҳимов ва бошқ. Шаҳар қурилиши ва хўжалиқ иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т. 2010 й, –157 б

²⁰Шамирзаев Э.А., Гимуш Р.И. «Қурилишда менежмент». Ўқув қўлланма ТАҚИ 2007 й. –88 бет

²¹Р.И.Гимуш. Совершенствование управления компанией на примере деятельности строительной фирмы.

²²Х.И.Турдибеков. Совершенствование управления процессом формирования качество зданий непроизводственной сферы. Автореферат дисс. к.э.н.. Самарқанд, 2005 г -28 с

²³Х.Т.Бўриев. Қурилиш сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Навоий вилояти мисолида)» и.ф.н. дисс. автореферати. Тошкент 2012 йил, 26 бет

- қурилиш хизматларининг хусусиятлари ва ташкилий-иқтисодий асосларини ёритиш;
- қурилиш хизматларини тадқиқ этиш асосида унинг давлат томонидан тартибга солиниши ва ҳолатини тадқиқ этиш;
- қурилиш хизматларини самарали ташкил этишда инновацион ёндашувнинг аҳамиятини ёритиш;
- қурилиш хизматларини амалга оширишни жадаллаштириш йўллариини ёритиш;
- қурилиш хизматларини услубий асосларини ривожлантиришнинг йўллариини асослаш;
- “қурилиш хизматларини амалга ошириш орқали фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг вилоят иқтисодий тараққиётнинг юксалтиришдаги ролини ёритиш;
- қурилиш хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларини таҳлил этиш билан боғлиқ назарий таклифлар;
- қурилиш хизматларини мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, иқтисодиётининг тараққиётига қаратилган қурилиш хизматларини кўрсатиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Қурилиш хизматини кўрсатувчи корхоналар ҳамда буюртмачилар ўртасида вужудга келувчи қурилиш хизматлари бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқот усуллари. Магистрлик диссертацияда анализ, синтез, индукция ва дедукция, корреляция, регрессия, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси. Диссертация ивида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, мамлакатимиз

ва хорижий иқтисодчи олимарнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялар ва уларда қўлланилган услубий тамойиллар асос қилиб олинади.

Тадқиқот ишида олинган ва ҳимояга олиб чиқиляётган муҳим натижалар қуйидагилардан иборат:

- қурилиш хизматлари соҳасини тикланиш босқичлари ва ҳолатини ёритиш;
- иқтисодий ўсишни таъминлашда қурилиш хизматларининг тутган ўрнини ёритиб бериш;
- қурилиш хизматларининг тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ёритиб бериш;
- қурилиш хизматларининг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва уларнинг хусусиятларини асослаш;
- қурилиш хизматларини амалга оширишни инновацион жараёнларни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш;
- Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматларининг ўрнини ёритиб бериш;
- Самарқанд вилоятида қурилиш корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилиш;
- Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ва қурилиш хизматининг ривожланиш прогнозлари ишлаб чиқиш;
- Қурилиш хизматларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқиш.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

- қурилиш хизматлари соҳасини тикланиш босқичлари ва ҳолати ёритилди;
- самарадорлигини яхшилашда қурилиш хизмати бозорини иқтисодиёт ўсиш асосини яратишда қурилиш соҳа хизматларини тутган ўрни асосланди;

- қурилиш хизматларининг тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ёритилди;
- қурилиш хизматларининг самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ва уларнинг хусусиятлари асослаб берилди;
- қурилиш хизматларини амалга оширишни инновацион жараёнларни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси таклиф этилди;
- Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматларининг ўрни ёритиб берилди;
- Самарқанд вилоятида қурилиш корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинди;
- Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ва қурилиш хизматининг ривожланиш прогнозлари ишлаб чиқилди;
- Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари ҳажми, таркиби, қурилиш корхоналари сонининг 2014-2015 йилларга прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда олинган хулосалар ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан қурилиш хизматларини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, қурилиш хизматларини амалга оширишда, унинг мустаҳкамлигини ошириш учун назоратни кучайтириш бўйича янги йўналишлар очиб берилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Тадбиркорлик асослари” «Маркетинг», «Ижтимоий иқтисодиёт» “Қурилиш иқтисодиёти”, “Қурилишда менежмент”, “Қурилишни ташкил этиш”, Тармоқлар иқтисодиёти фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар “New Tech Samarkand” МСНҲ (2014 йил 15 июндаги 12-сонли далолатнома) қурилиш

корхонаси фаолиятида амалиётга жорий этиш ва ўрганиш учун қабул қилинди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертациясининг асосий мазмуни ва натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида қошидаги “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусида республика анъанавий илмий-амалий конференциясида (2014 йил 21-22 февраль), “Қурилиш хизмати ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари” мавзуси доирасида, “Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари” мавзусидаги иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг илмий-амалий анжуманида (2014 йил 28-30 апрел) “Қурилиш хизматларининг қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни оширишдаги роли” мавзусида баён этилган ва маъқулланган. Магистрлик диссертация иши СамИСИ «Иқтисодиёт» кафедрасининг илмий семинарида (2014 йил 27 май 10-сон мажлисида) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертациянинг асосий мазмуни 2 та илмий мақолаларда эълон қилинган (ҳажми 0,6 бет), шундан илмий реферат тайёрланиб РФ ўтказилган халқаро танловга тақдим этилди (2013 йил октябрь ойи).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 90 бетни ташкил этиб, 9 та жадвал ва 24 та расм келтирилган.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

1.1. Ўзбекистонда қурилиш хизматлари соҳасини тикланиш босқичлари ва ҳолати

Ўзбекистон тараққиётида қурилиш хизматларини босқичма-босқич тикланиши ва самарали ривожланишини таъминлашда қурилиш ташкилотлари шу жумладан мавжуд бўлган кичик бизнесни роли бениҳоят катта аҳамитни касб этмоқда. Маълумки, кичик бизнес ўзининг моҳияти билан қурилиш хизматлари билан иқтисодийётни бойитишда ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бу янги иш ўринларини яратиш, иш билан таъминлаб, аҳолини бандлигини ошириш, аҳолини даромадининг асосий манбаи бўлиб иқтисодий ислохотларни ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга устувор йўналишининг бири ҳисобланади. Давлатимиз ташаббуси билан дастлабки босқичда 1995 йил 5 январда “Хусусий тадбиркорликка ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” Президент қарори чиқарилди ва Давлат тассаруфидан чиқаришдан тушган маблағнинг 50% кичик бизнесга юборилди.

Кейинги босқичда яна давлат ташаббуси билан унинг иқтисодийётимизда ўз ўрни ва ролини ошириш, ҳуқуқий норматив асослари, зарур инфратузилмасини ва тараққиёти шарт-шароитини яратиш учун 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги қонуни чиқарилди. Шу билан бирга “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди” (Бизнес фонди), “Ўзбекистон товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси” (1996) бўлимлари ҳудудларда ташкил этилди. Фақат бизнес фонд шу соҳага 10 млрд сўмдан ортиқ ёрдам берди ва ҳукуматимиз сайъ-ҳаракти билан катта миқдорда чет эл инвестициялари киритилди, масалан 2003 йилда 450 млн АҚШ доллари киритилди.

Шундай қилиб, Ўзбек моделида кўрсатилган босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиши, давлатимизнинг бош ислохотчи ва ташаббускорлиги натижасида кичик бизнес қурилиш хизматларини амалга ошириши изчил ривожланиб бормоқда. Буни 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан кўриш мумкин. Агар 1992-1996 йилларда жами 85 мингга бўлиб, ЯИМнинг атиги 1,5%ни ташкил этган бўлса, босқичма-босқич ривожланиш билан 2010 йилга келиб ЯИМнинг 52,4%ни ташкил этди ва бу 2014 йилда 58,4%га етди. Бу соҳа аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаининг муҳим манбаи бўлиб шаклланди. Давлатимиз ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги босқичида бу соҳанинг янада ривожлантирилиши учун мамлакатимизда 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши умумдавлат дастурининг тузилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши янги ривожланиш босқичини ташкил этади.

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг босқичма-босқич ривожланиши²⁴

Йиллар	Сони мингга	ЯИМ улуши, %	Иш ўринлар сони минг киши
1992-1996	85,0	1,5	
2000	142,9	31,0	296
2001	170,8	33,8	350
2002	240,0	38,0	370
2004	277,0	35,6	417
2005	310,0	38,2	434
2006	330,0	45,0	570
2007	370,0	45,7	630
2008	400,0	48,2	700
2009	450,0	50,1	940
2010	470,0	52,4	950
2011	490,0	54,5	960
2012	510,0	55,5	970
2013	536,0	55,8	970

Юқорида таъкидлаганимиздек, кичик бизнес субъектларида қурилиш хизматлари ҳам “Ўзбек модели” асосида босқичма-босқич олиб борилмоқда.

²⁴ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Худди шундай хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси ҳам кичик бизнес каби босқичма-босқич “Ўзбек модели” тамойилларига асосан олиб борилмоқда. Қурилиш хизматлари кўрсатиш ва сервиснинг мустақиллик давридаги эволюциясини таҳлил этган ҳолда қўйидаги уч асосий ривожланиш босқичларида бўлиши мумкин:

2-жадвал

Биринчи босқич (тахминан 1991-1997)	Хизмат тизимини ислоҳ қилиш, мафкурадан ҳоли бўлиши, эркинлик бериш, кўп укладли иқтисодиётга ўтиш
Иккинчи босқич (1997-2006)	Қурилиш хизматлари кўрсатишнинг фаоллишуви, қурилиш сервиси тизимини ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий шароит яратиш
Учинчи босқич (2006 йилдан кейинги йиллар)	Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига хизмат кўрсатиш, қурилиш сервиси тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш

Албатта, мамлакат иқтисодиётининг мафкурадан ҳоли этилиши соҳалар қатори қурилиш хизмати соҳаси ривожланишига эркинлик берилгани кўп укладли иқтисодиётга ўтилиши, бошланғич даврда осон ўтмайди. Айниқса, иқтисодиётимиз таркибидаги хизмат соҳасига кирувчи қурилиш ташкилотларини ривожланиши тартибсиз равишда боради. Собик иттифоқ даврида аҳоли даромадларининг камлиги моддий аҳволининг танглиги, турмуш даражасининг пастлиги, марказлашган бошқарувга ўрганиб қолганлиги ва ҳ.к. ўз таъсирини кўрсатди. Айниқса, катта қувватли қурилиш ташкилотларининг тўлиқ ишламаслиги, марказлашган ташкилотларнинг марказлашган алоқаларининг бузилиши натижасида ва бошқалар дастлабки қурилиш хизмати корхоналарининг хаотик равишда ривожланишига сабаб бўлди.

Давлатлараро қурилиш материалларининг алмашиниш алоқасининг бузилиши, Ўзбекистон бозорларига сифатсиз қурилиш материалларининг кириб келиши, ишлаб чиқаришнинг майдалашиб кетиши натижасида қурилиш хизмат материалларининг қимматлашиб сифатсиз бўлиб кетди.

Худди шундай қурилиш хизмати соҳасига малакали кадрларнинг етишмаслиги, айниқса қурилиш фирмаларида малакасиз ишчиларнинг кириб бориши натижасида қурилиш хизмати соҳасининг маданияти, этикаси ва этикети пасайиб кетди ва қурилиш корхоналари халқаро талабларга жавоб бермай қолди ва ҳ.к.

Биринчи босқичнинг айна шу вақтда давлатнинг сайъ-ҳаракатлари билан тадбиркорликнинг бирламчи бўлиб шаклланиши билан қурилиш хизмати соҳасидаги мулкӣ муносабатлар ўзгартирилди, айниқса, қурилиш хизмат соҳаси корхоналарининг давлат тассаруфидан чиқарилиши, хусусий мулкчиликнинг ривожлантирилиши, айниқса шу соҳадаги давлат ва кооператив тизимларнинг монопол фаолиятига барҳам берилиши, маъмурий бошқарув тизимини янгилаш фаолиятида турли даражадаги алоқалари иқтисодий механизмини ўзгариши билан бозор иқтисодиётига мослаштирилганлигини ва ҳ.к. аҳволни буткул ўзгартирди ва мавжуд тизим ижобий ҳолатга кела бошлади.

Ривожланишнинг икинчи босқичида Ўзбекистон хизмат кўрсатиш, сервис тизимини ривожлантириш учун ижтимоий иқтисодий шароит яратиш даври бўлди. Бу даврда ҳуқуқий кадрлар жиҳатидан, меъёрий услубий, молиявий моддий ва бошқалар ривожланишини шарт шароитлари яратила бошланди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори қурилиш хизмати соҳасига ҳам юртимизда 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун²⁵ ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”²⁶ қабул қилиниши таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш учун уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаб, таъминлаш вазифаси бажарила бошланди.

²⁵“Таълим тўғрисида”ги ЎзР Қонуни 1997 йил 29 август

²⁶“Кадрлар тайёрлаш миллик дастури” 1997 йил 29 август

Ривожланишнинг учинчи босқичида айнан аҳолининг даромадларининг ўсиши, пул маблағларининг кўпайтириш, инфляцияни пасайтириш шароитида президентимиз И.А.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва сенатнинг қўшма мажлисидаги маърузасида: «...аҳолига, айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар ва сервиснинг ҳажми ҳамда турларини кескин кўпайтиришга эришиш лозим»²⁷ эканлигини ва «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорининг қабул қилинишидан бошланган десак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу даврда Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»²⁸ги Президент қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қурилиш хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Давлат дастури ишлаб чиқилди ва бу ҳозирги изчиллик билан амалга оширишни тақозо этади. Ушбу даврда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган, Инқирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши Президентимиз таъкидлаганидек «хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантиришга устувор вазифа бўлиб қолади»²⁹. Худди шунингдек устувор вазифа сифатида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозланиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш лозимлиги»³⁰.

²⁷Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизацияси ва ислохот этишдир». – Ўзбекистон.: НМИУ, 2005. – 78 бет

²⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» – Халқ сўзи 2006 йил 18 апрель

²⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» – Халқ сўзи 2006 йил 18 апрель

³⁰Каримов И.А. «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозга, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». – Тошкент: Ўзбекистон. – 46 бет

Жумладан, қурилиш хизматлари кўрсатиш соҳасининг дастлабки босқичларида нафақат уларнинг даромадларига ёрдам бериш, балки уларни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини» бажариши асосида бепул кадрлар тайёрлаш ёки қулай иқтисодий-молиявий шароитлар яратиш, иш ҳақининг мунтазам кўриб бориш, инфляцияни даражасини пасайтириш, турли хилдаги имтиёзлар яратиш ва бошқалар ҳам ижтимоий ҳимоялаш тамойилига амал қилиниши ҳисобланади.

“Ўзбек модели” асосида Ўзбекистонда қурилиш хизматини кўрсатиш ва қурилиш сервисининг босқичма-босқич жадал суръатларда ўсишини кўриб чиқар эканмиз, ривожланиш босқичларидаги камчиликлар ёки унинг кейинги жадал суръатларда ривожланиши учун бажариладиган ишлар борлигини кўришимиз мумкин. Уларга:

- соҳанинг ҳуқуқий базасини бойитиш учун қурилиш хизматлари кўрсатиш ва қурилиш сервиси тўғрисида қонун, қурилиш хизматини кўрсатувчи кодекс, қурилиш фирмаларини сервислаштириш талаб-меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим;
- қурилиш хизматини кўрсатиш ва қурилиш сервисини ривожлантиришда уларнинг фаолиятида миллий архитектура маданияти ва қадриятларни сингдирилиши, тикланиши лозим.
- соҳанинг ривожланишида рақобатбардошлик, истеъмолчи талабига мос келиши вазифаси биринчи ўринга чиқа бошлаши билан қурилиш хизматини кўрсатиш шакл ва усулларини, қурилиш хизматини кўрсатиш ва қурилиш сервис техник-технологиясини тараққиёт эттириш билан истеъмолчиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга интилиш лозим.

1.2. Иқтисодий ўсишни таъминлашда қурилиш соҳасининг тутган ўрни

Жаҳондаги барча мамлакатлар, маълум ижтимоий иқтисодий тараққиёт йўлларини, босиб ўтиб ҳозирги даражадаги иқтисодий тараққиётга эришганлар. Турли мамлакатларда бу жараён турлича бўлганлиги сабабли турли даражада тараққиёт босқичига эга эканлигини эътироф этган эдик.

Иқтисодий тараққиёт, кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб ҳисобланиши асосан унинг асосий мезони жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва таркибий ўзгаришларининг мантиқий ўзаро боғлиқлиги натижасида бўлиши ва шу асосда жамиятнинг асосий ва ҳал қилувчи кучи бўлган инсон омилининг ривожланиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга инсон омили ҳар бир мамлакатда яратувчи, ишлаб чиқарувчи куч тариқасида, тараққиётнинг асосий кўрсаткичи бўлган ЯИМ ишлаб чиқаришда асосий омил тариқасида фаол иштирок этиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб келмоқда. Шу сабабдан ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, ЯИМ ўсиш суръатларининг мамлакатларда турлича бўлиши кўп омилларга боғлиқ.

БМТ маълумотига қараганда, Шарқ ва Осиё мамлакатларида XX асрнинг 90-йилларида аҳолининг умрбоқийлиги 8 йилга, саводсизлиги 2 мартага ва даромадлари бир АҚШ доларидан кам бўлган аҳоли сони 50% камайганлиги кўрсатиб ўтилган.³¹ Бу кўрсаткичларни, асрлар давомида иқтисодий ўсишнинг натижаси тариқасида эътироф этиш мумкин.

Айтиш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётган 2008-2013 йилларда мамлакатимизда мисли кўрилмаган қурилиш хизматлари эвазига ижтимоий ишлар амалга оширилди (1-расм).

³¹Что нужно сделать, чтобы ликвидировать нищету и голод? // Экономическое обозрение. № 12 (декабрь), 2003. – 36 стр.



1-расм. Қурилиш хизматлари эвазига амалга оширилган ижтимоий ишлар

Халқимизнинг бундай бунёдкорлик анъаналари 2009 йилдан сўнг янги босқичга кўтарилиб, ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Яъни 2009 йилдан буён Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида республикамизнинг барча қишлоқ ва туманларида намунавий лойиҳалар асосида ҳамманинг ҳаваси келадиган турар жойларни қуриш хизмати кўлами кенгаймоқда.³² Чунки, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойларнинг барпо қилиниши бўйича хизматларни йўлга қўйилиши билан мустақил юртимиз чинакам бунёдкорлик, ободонлаштириш майдонига айланмоқда. Миллий анъаналаримиз ва замонавий уйсозликнинг услуб ҳамда шакллари уйғунлашган барча қулайликларга эга мухташам иморатлар қишлоқларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой кўшмоқда.

Мамлакатимизда биргина 2011 йилнинг ўзида умумий майдони 1 миллион 100минг квадрат метрга тенг бўлган 7400 та хусусий уй-жойни фойдаланишга топшириш мақсадида 576 миллиард сўмдан зиёд сармоя йўналтирилгани ана шундан далолат берди (2-расм).

³²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўрисида”ги 209 йил 3 августдаги Қарори



2-расм. 2011 йилда қурилиш хизматлари эвазига амалга оширилган ижтимоий ишлар

Қурилган уй-жойларнинг эгаларига молия муассасалари томонидан 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредит ажратилиши, уй битгач эса, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олинishi, газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланиши каби бир қатор енгилликлар фуқаролар учун диққатга сазовордир. Ҳар қандай бино ва иншоотнинг қурилишида унинг меъморий ечими муҳим аҳамиятга эга.³³ Бу борада, яъни замонавий янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш масъулияти "Қишлоқ-қурилиш лойиҳа" институти мутахассислари зиммасига юклатилган.

Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасимажлисидаги маърузасида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжаллаб тасдиқланган дастурини амалга ошириш ишларига

³³Президентнинг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўрисида"ги 2010 йил 17 июнь Қарори

2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилаётганини алоҳида қайд этди³⁴ (3-расм).



3-расм. Қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжаллаб тасдиқланган дастурнинг амалга ошириш ишлари

“Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси жамоаси томонидан массивларнинг топосъёмкаси, геология ва ишчи лойиҳалари тайёрланиб, қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотларни имтиёзли нарх ва белгиланган муддатларда етказиб бериш бўйича хизмат жадвалини ишлаб чиқилиши ҳамда пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер танловларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, қурилиш хизмати жараёнини намунали ташкил этилишини тез ва сифатли бажаришга хизмат қилади.

Замонавий янги хусусий уй-жой барпо этиш лойиҳаларининг аввалгиларидан фарқи шундаки, уй шифтининг баландлиги 3,2 метр, дарвозахона йўлагининг тепа қисмида махсус айвон, кираверишда эса автомобил учун жой бўлиши, иситиш қозонхонаси ҳовлининг юқори бурчагида жойлаштирилиши сингари ҳаётий омилларнинг эътиборга олинаётгани каттаю кичикка маъқул тушмоқда.

³⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги № ПҚ-1668 сонли “2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўрисида”ги Қарори

2012 йилда қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш мақсадида республикамизнинг 276 та қишлоқ массивида 8510 та замонавий уй-жой қуриш вазифалари белгиланди ва амалга оширилди (4-расм).



4-расм. 2012 йил қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотлар натижаси

Қишлоқларда янги уй-жойлар барпо этилиши баробарида массивларнинг ташқи инфратузилмасини яратиш ҳам ҳукуматимизнинг доимий эътиборида эканлиги диққатга сазовор бўлди. Хусусан “Ўзтрансгаз”, “Ўзбекэнерго” компаниялари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан юзлаб километрлик газ ҳамда ичимлик суви тармоқлари, электр энергияси линиялари тортилиб, асфальт йўллар ётқизирилиши, ҳудудларда болалар боғчалари, мактаблар бинолари гузарлар, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари каби ижтимоий иншоотларнинг (болалар спорт мажмуаси, деҳқон бозори, новвойхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, мини банк, милиция таянч пункти) барпо

этилиши, ўз навбатида, жойларда аҳоли яшаши учун шаҳардагидек шарт-шароитлар яратишга асос бўлмоқда (5-расм).

Янги уйлар калитининг белгиланган муддатларда топширилиши одамларнинг ҳар бирига қувонч улашиш, қишлоқ ва шаҳарни кўркам қиёфа касб этиши, ҳар бир куннинг ўзига хос янгиликка, ижобий ўзгаришларга бой бўлишига асос бўлди. Бунёд этилаётган замонавий турар жойида истиқомат қилаётган аҳоли турмуши тобора тўқис ва фаровонлашуви юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини яна бир қарра намён этмоқда.



5-расм. 2012 йилда қурилиш хизматлари эвазига амалга оширилган ижтимоий ишлар

Замонавий муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган янги ва кўркам уй-жой массивларини барпо этиш – мамлакатимиз қиёфасини ҳар томонлама обод қилишга қаратилган, истиқболга мўлжалланган муҳим вазифамиздир.

Ана шу истиқбол режаларидан келиб чиққан ҳолда 2013 йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 8,5 мингтадан 10 мингтага етказиш кўзда тутилмоқда. 2013 йилда бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтирилди. Бу борада шунинг эътиборга олиш керакки, мазкур мақсадлар учун тузилаётган пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари, барча

худудларда шаклантириладиган уларнинг кучли моддий-ишлаб чиқариш базаси нафақат уй-жойлар, балки саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини қуришга ҳам жалб этилади(6-расм).



6- расм. Қурилиш хизматлари эвазига амалга оширилган ижтимоий ишлар

Бизнинг фикримизча, республикамызда олиб бориладиган кенг кўламдаги қурилиш ишлари ва хизматлари келгусида меҳнат ресурсларидан фойдаланишга иқтисодиётнинг у ёки бу соҳалари бўйича тажриба орттиришга ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган биноларни қад кўтаришга имконият яратади. Шундай қилиб, қурилиш жараёнлари ва хизматлари иқтисодий ўсишнинг асосий омили сифатида майдонга чиқади.

1.3. Курилиш хизматларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

Курилиш соҳасини ва хизматларини давлат томонидан тартибга солиш – бу аниқ мақсад билан иқтисодиётга таъсир этишнинг шакл ва усуллар тўпламини ўзида акс эттириб, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилади.

Курилиш соҳасини ва хизматларини давлат томонидан тартибга солишнинг чора-тадбирлари, энг аввало барча соҳалардаги қурилиш (таълим, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий хизмат тармоқларида ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа муҳим тармоқларида) хизматларга стандартларни белгилаш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек, ички қурилиш хизматлар бозорини ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш ҳамда қурилиш хизматлари экспортини тартибга солишга қаратилган бўлади. Қурилиш хизматлари бозорини тартибга солиш тадбирлари асосида мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатлари, яъни ишчи кучи бандлиги, қурилиш хизматини кўрсатишнинг муҳим тармоқларида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ички капитал қўйилмаларини рағбатлантириш кабилар ётади.

Қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг қўйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мамлакат тўлов баланси ҳолатини яхшилаш мақсадида қурилиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларга чет эл валютаси билан операцияларни чеклаш бўйича тадбирлар: валюта конвертацияси тартибини белгилаш; чет элга чиқариладиган валюта суммасини чеклаш; чет эл валютасидаги тўловларни кечиктириш;
- миллий қурилиш хизматларининг истеъмолини кенгайтиришга қаратилган давлат харидлар тизими;
- имтиёзлар бериш орқали қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларни ривожлантириш: уларга ички ва ташқи бозорлардаги

Ўз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида субсидия, имтиёзли кредит, солиқ имтиёзларини жорий қилиш;

- миллий иқтисодийнинг тармоқлари, шунингдек, қурилиш хизматини кўрсатиш соҳаси тармоқлари манфаатларини кўзлаб тўғридан-тўғри чет эл капитал қўйилмаларини чекловчи тадбирлар;
- мамлакатда фаолият юритаётган чет эл қурилиш корхоналари томонидан чет эллик фуқароларини қурилиш соҳасига ишга ёллаш бўйича чекловлар;
- мамлакатда фаолият юритаётган чет эл қурилиш фирмаларига табақалашган солиқ солиш.

Санаб ўтилган тадбирлардан ташқари давлат алоҳида қурилиш хизматлари тармоқлари учун махсус тартибга солишни ишлаб чиқиши мумкин:

Биринчидан, қонуний тартибга солиш ва у алоҳида тармоққа тегишли қонунлар орқали амалга оширилади: ЎзР Солиқ Кодекси ва бошқалар;

Иккинчидан, маълум турдаги қурилиш хизматлари импортини тўғридан-тўғри чеклаш ёки тақиқлаш. Кўплаб давлатларда реклама фильмлари, радио ва телекўрсатувлар импорти тақиқланган.

Учинчидан, ички қурилиш хизматлари бозорида чет эл компаниялари фаолиятига маълум чегаралар ўрнатиш.

Маълум турдаги қурилиш хизматлари импортини чеклаш учун, асосан, лицензиялаш чет эллик инвесторлар даромадларини кўчиришни тақиқлаш, шунингдек, техник стандартлар, квоталар, солиқлар ва бошқалардан фойдаланилади.

Давлатнинг қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасига аралашувининг асосий сабаби унинг (қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасининг) бир қатор тармоқларида бозор ожизлиги мавжуд. Давлат аралашувини юзага келтирувчи яна бир сабаб кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишда айрим тармоқларда давлат ўз қурилиш корхоналарини очиши зарурлигидир.

Ижтимоий вазифаларни ечишни жамият аъзолари учун яхши турмуш даражасини таъминлаш ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолда давлат ўз фаолиятида ижтимоий йўналтирилган ёндашувга асосланади ва уни тизимли ижтимоий-иқтисодий бошқарув доирасида амалга оширади. Бунда давлат қурилиш хизматлари корхоналари қўйидаги вазифаларни бажариш учун ташкил қилинади:

- ҳаётий зарур бўлган қурилиш хизматлари билан аҳолининг барча қатламларини, уларнинг даромадларидан қатъий назар таъминлаш;
- қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда (фирмаларда) рақобат муҳитини сақлаб қолган ҳолда тарифларнинг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик;
- қўшимча иш ўринларини яратиш орқали ишсизликни камайтириш;
- кризис пайтида иқтисодий беқарорликни юмшатиш ва бошқалар

Давлат томонидан қурилиш хизматларини тартибга солиш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

Истеъмолчиларни мақсадли асосда субсидиялаш. Бундай субсидиялаш муҳим хизматларга бўлган талабни оширади. Мақсадли субсидияларга ипотека кредити, суғурта, қурилиш хизматлари бўйича аҳолининг кам таъминланган қатламига молиявий ёрдам бериш ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин.

Қурилиш хизматлари ишлаб чиқарувчиларини субсидиялаш. Бу қурилиш хизматлари бозоридаги таклифни кўпайтиришга қаратилган бўлиб, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ташкилотлари ва шу каби бошқа ташкилотларга қурилиш хизматларини молиявий қўллаб-қувватлаш шаклида амалга оширилади. Бундай субсидиялашнинг манбаи давлат бюджети ёки маҳаллий бюджет, шунингдек, ҳукумат ва маҳаллий даражадаги мақсадли дастурлар ҳисобланади.

Қурилиш хизмати омилларига давлат мулкчилиги. Қурилиш хизматлари соҳаси тармоқлари ривожланишига давлат бошқарувининг таъсири маълум чегараларга эга бўлиши лозим. Масалан, пулсиз қурилиш

хизматларини жорий этиш зарурияти ва инвестицион манбаларнинг чегараланган ҳажми тақчилликни юзага келишига қурилиш хизматлари истеъмоли чегараланишига олиб келиши мумкин. Бундай камчиликлар пуллик хизматлар бозори орқали бартараф этилади. Аммо пуллик қурилиш хизматлар бозорининг фаол ривожланиши аҳолининг кам таъминланган қатлами учун нарх дискриминацияси ва истеъмолчиларнинг катта қисми учун қурилиш хизматини олиш имконити бўлмаслигини юзага келтириши мумкин. Қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасининг бирламчи эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, инсоннинг ҳаёт фаолияти нуқтаи назаридан муҳим бўлган тармоқларида бозор муносабатларининг бундай ривожланиши мутлақо ноўрин.

Қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасини тартибга солишда лицензиялашдан ҳам кенг фойдаланилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қурилиш хизматини кўрсатиш соҳанинг кўплаб тармоқлари лицензиялаш ёрдамида тартибга солинмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Табиий монополиялар шароитида давлат томонидан тартибга солиш ўта муҳим ҳисобланади. Табиий монополия субъектлари фаолияти устидан давлат назорати монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади. Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш қўйидаги усулларда амалга оширилади:

- нархларни ёки уларнинг энг юкори даражасини белгилаш воситасида қурилиш материаллари ва хизматларининг нархларини тартибга солиш;
- қурилиш хизматини кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва уларни табиий монополия субъектлари реализация қиладиган товар ёки қурилиш хизмати билан тўлик ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш.

Республика ҳудудларидаги ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларининг қувватлари билан иқтисодиёт соҳаси ва тармоқларида

капитал қўйилмаларни ўзлаштириш ҳажмларининг ўсиб бориши билан ўзаро боғлиқлигини, пудратчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариш техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳисобига олиб борилаётган қурилиш монтаж ишларининг миқёси ва сифатини тубдан яхшилаш, бутун қурилиш ишлари циклини «калити билан топшириш» усулида бажаришни таъминлаш мақсадида “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги ПҚ-2137 сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ замонавий ишлаб чиқариш-техника базаси билан таъминланган ва қурилиш ишларининг бутун циклини «калити билан топшириш» усули билан бажарилишини таъминлайдиган 2014 – 2016 йилларда ташкил этиш кўзда тутилган йирик ихтисослаштирилган қурилиш пудрат ташкилотларини Дастури ишлаб чиқилди, қурилиш пудрат ташкилотларининг намунавий тузилмаларини, йирик ва кичик корхоналар учун мос равишда, уларнинг қуввати ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу қарор қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-пудратчи ташкилотлари Реестрига киритилган кундан бошлаб 3 йил муддатга юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод этиш, рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган импорт қилинадиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуналар, машина ва механизмлар, кичик механизация воситалари, технологик ускуналар, шунингдек асбоб-анжомлар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун 2018 йилнинг 31 декабригача божхона тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади.

Капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни

шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилиш мақсадида «Ўзбекистон республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

I боб бўйича асосий хулосалар

Ўзбекистон Республикасида қурилиш хизматларининг ҳолати ва иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ролини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда қурилиш хизматларининг ривожланишини шартли равишда уч босқичга ажратишимиз мумкин. **Биринчи босқич-(1991-1997)** –Хизмат тизимини ислоҳ қилиш, мафкурадан холи бўлиши, эркинлик бериш, кўп укладли иқтисодиётга ўтиш; **Иккинчи босқич(1997-2006)** – Қурилиш хизматлари кўрсатишнинг фаоллишуви, қурилиш сервис тизимини ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий шароит яратиш; **Учинчи босқич (2006 йилдан кейинги йиллар)** –Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига хизмат кўрсатиш, қурилиш сервис тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш

2. Давлатнинг қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиши ва уларнинг фаолиятига аралашувининг асосий сабаби қурилиш хизматини кўрсатишнинг бир қатор тармоқларида бозор ожизлиги мавжудлигидир. Давлат аралашувини юзага келтирувчи яна бир сабаб қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга

кўмаклашиш, капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объектларни қуриш сифати ва муддатларини назорат қилишдир.

3. Мамлакатимизда қурилишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар қурилиш хизматлари кўрсатишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга кўмаклашишга хизмат қилади;

4. “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги ПҚ-2137 сон қарори мамлакатимизда қурилиш пудрат ташкилотларининг намунавий тузилмаларини, йирик ва кичик корхоналар учун мос равишда, уларнинг қуввати ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш кўзда тутди.

II БОБ. ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР РОЛИ

2.1. Қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Бу вақт оралиғида ушбу соҳада фаолият юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди. Мўлжалли ва аниқ ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда қурилиш хизматлари соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши 37фоиздан (2000й.) 50,5 фоизгача (2012 й.)³⁵ кўтарилди. Бироқ, шу билан бирга бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаблари бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хўжалик субъектларининг инновацион жараёнларга жиддий эътибор бермаётганлиги, уларнинг моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ҳақида атрофлича назарий билим ва амалий тажрибага эга эмаслиги ҳамда инновацион фаолиятни амалга ошириш бўйича мавжуд ташкилий-ижодий механизмлар яхши ишламаётганлигидир. Инновацион жараённи ривожлантиришда қурилишда кичик инновация субъектлари билан йирик бизнес қурилиш ўртасида илмий тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларини амалиётга қўллашдаги иқтисодий муносабатларнинг талаб даражасида эмаслиги мавжуд бўлган илмий кашфиётлардан етарли даражада самарали фойдаланишга имкон бермаяпти.

Қурилиш хизматини амалга оширувчи ташкилотлар самарадорликка оид маслаларга янғича ёндашишлар зарур бўлмоқда, чунки бу кўрсаткич хўжалик фаолиятининг умумлаштирилган кўрсаткичларини ўзида акс

³⁵Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ВМ мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь, №9, 1-3 бет.

эттиради. Яъни хизмат фаолиятининг охиригги натижалари фойда (даромад)да ўз аксини топади. Ҳозирда самарадорликнинг моҳияти, тушунчаси турлича талқин этиб келинмоқда. Кўпгина муаллифлар самарадорликни нисбий кўрсаткич деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниқланишини тавсия қилади.³⁶

Курилиш хизматлари бўйича самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Курилиш хизматининг самарадорлиги – чегарланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган натижа. У хизмат сифати ва сервисини ўсиши, ва ривожланишида кўринади.

Самарадорлик ёки компаниянинг фаолият натижаси қуйидагилар билан баҳоланади: ички истеъмолчилар(компания ходимлари)нинг компанияда ишлаш жараёнидаги меҳнатдан қониқиш даражаси; ташқи истеъмолчилар (истеъмолчилар, харидорлар ва бошқ.)нинг харид қилинган товарлар ёки кўрсатилган хизматлардан қониқиш даражаси; компаниянинг атроф муҳит, минтақа иқтисодиёти, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши ва бошқаларни ўз ичига олган жамиятга нафлилиги билан баҳоланади.³⁷

Шуни алоҳида таъкидлашимиз керакки, самарадорлик деб кўпчилик ҳолларда сарфланган ресурслар сарфи ва эришилган натижа ўртасидаги ижобий фарқ тушунилади. ИСО 9000:2000 “самарадорлик”–эришилган ютуқлар ва сарфланган ресурслар ўртасидаги фарқ дея талқин этилади³⁸. А.Язовскийнинг илмий ишларида самара, самарадорлик тушунчалари тежамкорлик атамаси билан изоҳланади ва асосий омиллар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади.³⁹

³⁶ Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (ОЎЮ учун дарслик). – Т.: Фан, 2005. – Б. 122-123

³⁷ Магухнов Олег Сергеевич. Повышение административной эффективности в системе менеджмента качества на предприятиях связи. Автореферат дисс. на соиск. уч. степ.кандидат экономических наук, Саратов 2011 г 19 стр

³⁸ Does ISO 9000 certification pay? ISO Managements Systems, July - August, 2002, p. 31-40.

³⁹ Антон Язовских: Эффективност и результативност: философия или фактор успеха. 07.07.2009 <http://www.e-executive.ru>



7-расм. Қурилишда иқтисодий самарадорлик тушунчаси




8-расм. Қурилишда нативавийликнинг вақтга боғлиқлиги

Қурилиш соҳасида самарадорликнинг иккита асосий тушунчаси мавжуд: мутлоқ ва нисбий самарадорлик.

Қурилиш хизматининг самарадорлиги бир вақтнинг ўзида юқори сифатли меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ҳам ўз ичига олади ва унинг шаклланиши кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Қурилиш хизматининг

самарадорлигини шакллантирувчи омилларни куйидаги 9-расмда кўришимиз мумкин.



9-Расм. Курилиш хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар тизими

Қурилиш хизмати соҳасини ривожлантириш комплекс дастури мезонининг мураккаблиги унинг максади ва ресурсларини тавсифловчи кўрсаткичлар зарурлигини тақозо этади. Республикада қурилиш хизматини кўрсатиш корхоналари (фирмалари) иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари сингари ривожланиб бораётган соҳадир. Шунга кўра, мазкур соҳада фаолият юритувчи субъектлар иқтисодий самарадорликнинг барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қўйидаги мезонларда ўз аксини топади (10-расм):



10-расм. Қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасида қурилиш хизматини амалга оширувчи корхона (фирма)ларнинг мезонлари

Мазкур мезонлар қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасида улар фаолияти самардорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Иқтисодий адабиётларда самардорлик кўрсаткичларининг – баҳолаш миқдори бўйича, ресурслардан фойдаланиш даражаси бўйича, кўрсаткичларнинг аҳамияти бўйича, уларнинг қарорлар қабул қилишидаги роли бўйича, умумлаштириш даражаси ва ҳоказолар бўйича таснифлари учрайди.⁴⁰

Қурилишда инновацион янгилик қурилиш хизматлари соҳаси учун зарур бўлган техника ва технологияларни такомиллаштириб бориш орқали унда банд бўлган иш кучи ресурсларининг меҳнат қилиш шароитларини энгиллаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, ўсиб бораётган моддий ва маънавий истеъмол талабларининг қондирилишини таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар ва илмий адабиётлар таҳлили қурилишда инновацион хизматларнинг мазмун-моҳиятини очиқ берувчи таъриф ва таснифларнинг етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

“Инновация” тушунчасига берилган таърифлар асосида “инновацион хизматлар” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин “Инновацион хизматлар деб, объектив янгиликка эга бўлган, яъни илк мартаба истеъмолчига кўрсатиладиган ва янги бозорни ташкил этадиган хизматларга айтилади”.


Шундай қилиб, қурилишда инновацион хизматларни бир қанча шаклларга ажратиш мумкин:

- Инновацияни яратиш бўйича хизматлар. Келажакда инновацияни яратиш билан боғлиқ бўлган хизматлар ўз-ўзидан инновацион хизматлар ҳисобланади. Хизматларнинг бундай турига интеллектуал инновацион хизматлар дейилади.

⁴⁰ Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методология муаммолари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2007. – С. 107–109

- Инновациядан фойдаланиш хизматлари (янги маҳсулот ёки янги технологияни жорий қилиш билан боғлиқ хизматлар). “Соф инновацион хизмати”. Бундай ҳолларда нафақат кўрсатилаётган хизматнинг ўзи, балки хизмат кўрсатиш натижасида яратилган истеъмол қилишнинг янгилиги билан ҳам ифодаланилади;
- Янги бозорларни шакллантирувчи хизматлар (инновациядан фойдаланишни эмас, балки илк бозорда таклиф қилинадиган хизматлар). Хизматларнинг бундай турини “ҳақиқий инновацион хизматлар” деб номланишни таклиф этамиз. Ҳақиқий инновацион қурилиш хизматларига хос бўлган хусусият – бу бозорда рақобатчиларнинг бўлмаслиги ва “нодир қурилиш маркази (брэнди)”нинг мавжудлиги ҳисобланади.

Қурилиш хизматлари соҳасида инновацион жараёнларнинг ҳаётийлик даврини 2 босқичга ажратиш мумкин (11-расм).



11-расм. Интеллектуал инновацион қурилиш хизматларининг ҳаётийлик даври


I босқич – янгиликни яратиш. Бу босқич илмий-тадқиқот қурилишда тажриба конструкторлик ишлари ва маркетинг фаолиятини ўз ичига олади ҳамда буюртмачининг буюртмасига мувофиқ ёки тадқиқотчиларнинг фикрлари бўйича амалга оширилади.

II босқич – янгиликни тижоратлаштириш босқичи бўлиб, бунда янгиликни сотиш билан боғлиқ фаолият ишлари амалга оширилади.

Ҳақиқий инновацион хизматларнинг ҳаёт цикли куйидаги босқичлардан таркиб топади:


I босқич – ҳақиқий инновацион хизматларни яратиш: ноодатий, ноанъанавий хусусиятларга эга бўлиб, аммо инновацион маҳсулот ёки технологиясидан фойдаланишни талаб қилмайдиган янги ғояларни излаш; ҳақиқий инновацион қурилиш хизматларини ишлаб чиқаришни ва тижоратлаштиришни ўзлаштириш: мос жисмоний ва техник муҳитни шакллантириш, зарур малакага эга бўлган ишчилар билан таъминлаш, қурилиш хизматларни синовини ўтказиш;

II босқич – ҳақиқий инновацион қурилиш хизматларини ишлаб чиқариш: амалиётга жорий этиш, ўсиш, ўсишнинг секинлашиши ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши (12-расм).



12-расм. Қурилиш хизматларининг инновацион жараёнлари ҳаёт цикли

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасида инновацион жараённи шакллантирувчи омилларни кўриб чиқамиз (13-расм).



13-расм. Қурилиш хизматлари соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантирувчи омиллар

2.2. Қурилишда инновацион жараёнлар хусусияти

Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок иқтисодиётнинг барча соҳалари мутаносиб ривожланишига эътибор бериб келинмоқда. Бунинг натижаси тарихан қисқа муддат 22 йил давомида эришган натижаларимизда яққол намоён бўлади. “Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ЯИМ улуши 2000 йилдаги 37% ўрнига 54,5% ни ташкил этди⁴¹ .

Республикаимизда 2012 йилда барча иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ҳажми 41083,3 млрд сўми, шу жумладан қишлоқ жойларида 9749,6 млрд сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 23,7%ни ташкил қилади. 2010 йилнинг январь-декабрига нисбатан хизматлар ҳажмининг реал ўсиш суръати 13,2%ни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда (139,9%), туризм ва экскурсия хизматлари (127,3%), маиший хизматлар (120,9%), автомобиллар ва бошқа техникаларни таъмирлаш (118,9%), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда ҳамда ички савдо ва овқатланиш хизматлари (118,6%) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркиби энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 30,1%), савдо ва овқатланиш (20,9%), коммунал (11,6%), молиявий, микрокредитларни қўшган ҳолда (8,5%) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш (6,4%) хизматларга тўғри келди.⁴²

Қурилиш хизматларини кўрсатиш соҳасининг мослашиш имкониятлари билан соҳага инновацияларни тадбиқ этишни боғлаш муаммоларини кўриб чиқамиз. Инновацияларни тадбиқ этишнинг умумий қонуниятларига тўхталиб ўтамиз.

⁴¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ВМ мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь, №9, 1-3 бет.

⁴² www.stat.uz

Қурилиш хизматини кўрсатиш соҳасида инновация (янгилик) сифатида жамият эҳтиёжларини самаралироқ қондиришга қодир инновацион фаолият натижаси бўлган сервис маҳсулоти, технология ёки унинг алоҳида элементлари, қурилиш сервис хизматини кўрсатишни янгича ташкил этиш ва бошқалар майдонга чиқади.

Янгиликлар киритишнинг базис усуллари, яъни миждозларга қурилиш сервис ва хизматини кўрсатишни ташкил этишни бутунлай янгилайдиган ўзгаришлар ва қурилиш хизматини кўрсатиш жараёнини баъзи қисмларинигина такомиллаштирадиган қисман инновацияларни фарқлайдилар. Иккала инновация шаклида ҳам қурилиш сервис фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари такомиллашади, қурилиш хизматини кўрсатиш вақти қисқаради, миждозларга қўшимча қулайлик яратилади.

Қурилишда инновацион жараёнларнинг асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатамиз:

- техник, янги техника, ускуналар ва қурилиш хизматини кўрсатишда меҳнатни ташкил этишнинг техник-технологик усуллариининг қўлланилиши. Ҳозирги пайтда қурилиш хизматларини кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг бу тури кўпроқ миждозлар билан ишлашни енгиллаштириш учун компьютер технологияларини қурилиш хизматини кўрсатиш жараёнига жорий этиш ва умуман қурилиш хизматини кўрсатиш жараёнини информацион технологиялар билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш мисолида тушунилади;
- ташкилий-технологик, янги қурилиш хизматининг турлари, қурилиш хизматини кўрсатишнинг янада самарали шакллари ва меҳнатни ташкил этиш меъёрлари билан боғлиқлиги;
- бошқарув, ташкилотнинг ички ва ташқи алоқаларини такомиллаштиришда менежмент усул ва шакллариини қўллашга йўналтирилганлиги;
- мажмуавий, бир вақтнинг ўзида қурилиш сервис фаолиятининг турли томонларини қамраб олишлиги.

1	техник, янги техника, ускуналар ва қурилиш хизматини кўрсатишда меҳнатни ташкил этишнинг техник-технологик усулларининг қўлланилиши
2	ташкилий-технологик, янги қурилиш хизматининг турлари, қурилиш хизматини кўрсатишнинг янада самарали шакллари ва меҳнатни ташкил этиш меъёрлари билан боғлиқлиги
3	бошқарув, ташкилотнинг ички ва ташқи алоқаларини такомиллаштиришда менежмент усул ва шаклларини қўллашга йўналтирилганлиги
4	мажмуавий, бир вақтнинг ўзида қурилиш сервис фаолиятининг турли томонларини камраб олишлиги

14-расм. Қурилишда инновацияон жараёнларнинг асосий хусусиятларни

Қурилиш инновацияларни тадбиқ этиш зарурлигини рақобат кураши ва бозорнинг бир қатор талаблари белгилайди. Уларни тадбиқ этиш зарурлиги, шунингдек истеъмолчилар эҳтиёж ва талабларининг ўзгариши билан ҳам белгиланади. Баъзи қурилиш корхоналарида фаолиятнинг янгиланиши қурилиш корхона жамоаси ўз фаолияти давомида учрайдиган турли қарама-қарши фикрларни бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Қурилишда инновацион жараёнлар фаол тадбиркор ёки қурилиш хизматини кўрсатиш соҳаси ходими томонидан янги ғояни ишлаб чиқиш босқичида бошланади. Кейинчалик бу ғоя уни амалга тадбиқ этиш лойиҳасини яратиш жараёнида аниқлаштирилади. Шундан сўнг инновацион жараён уни тадбиқ этишда ва уни қурилиш сервис амалиётида қўллашда давом эттирилади.

Қурилишда инновациянинг тадбиқи ўз харақатининг барча босқичларида объектив қонуният кўринишини олиши керак. Баъзи ҳолларда бирон бир инновацион янгилик бир қурилиш корхонаси ёки шаҳарда ўзини оқламагани ҳолда бошқа қурилиш корхонаси ёки шаҳарда яхши натижа

бериши мумкин. Қурилишда инновацион янгиланиш кўлами қанчалик кенг бўлса, натижани башоратлаш шунчалик қийин бўлиб боради. Шунинг учун мураккаб янгиланишлар натижаларини режалаштириш бирмунча қийинроқ. У ёки бу қурилиш корхонасида синовдан ўтган янгиликлар енгилроқ тадбиқ этилади ва инновацион тадбиқ натижаларини башоратлаш осонроқ ҳисобланади.


“...Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”.⁴³

Шу боис қурилиш материаллари билан хизматларни амалга ошириш бевосита мамлакатда турли соҳа корхоналарининг ривожланишига тurtки бўлади. Бу эса қурилиш материаллари саноати истеъмол товарлар ишлаб чиқариладиган тармоқларида ҳали бир қанча ишларни амалга ошириш керак бўлади. Қурилиш материаллари сифатини ва хизматини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда ҳам ҳал этилмаганлигини Республика Президенти Ислам Каримов 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам таъкидлаб ўтди.

⁴³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 19.01.2012 йил.

Ушбу камчиликларнинг олдини олиш ҳамда қурилиш хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу тармоққа инновацияларни кенг қўламда жорий этишдан иборатдир деган фикрдамиз.

Сифатли, моддий ва молиявий тежамкор қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва қурилиш хизматларини амалга ошириш, монтаж ишларининг оптимал ечимларини аниқлашни йўлга қўйиш орқали мазкур соҳани жадал ривожлантиришга эришиш мумкин. Шу билан бирга қурилиш хизматларида инновацияларнинг жорий этилиши қатор ютуқлари билан бирга айрим камчиликлари ҳам мавжудлигини инобатга олиш керак (15-расм).



15-расм. Қурилиш хизматлари ва қурилиш ишлаб чиқариш соҳасига инновацияларни жорий қилиш натижалари

15-расмда келитирилган ва бошқа ютуқларни максималлаштириш ва камчиликларни минималлаштиришда муҳим рол ўйнайдиган яна бир жараён бу инновацияларни жорий этишнинг кетма-кетлигини тўғри танлашдан иборатдир.

Қурилиш хизматлари ва қурилиш ишлаб чиқариш соҳасида янгилашниларни йўлга қўйиш, инновацияларни жорий этиш қўйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди деган фикрдамиз (16-расм).

<p>Қурилиш хизматлари ва қурилиш фаолиятини такомиллаштиришда инновацияни жорий этиш кетма-кетлиги</p>	<ul style="list-style-type: none"> ⇒ қурилиш ишлаб чиқариш соҳасига жорий этиладиган инновациянинг мақсадларини шакллантириш; ⇒ ушбу мақсадга эришиш учун бошқарувчи ўз олдига қандай вазифалар қўйилиши кераклигини аниқлаш; ⇒ инновацияни таҳлил қилиш учун керак бўладиган маълумотлар базасини яратиш ва шакллантириш; ⇒ инновацион фаолият субъектларини аниқлаш ва уни бошқариш схемасини тузиш ва баҳолаш; ⇒ инновацион фаолиятни режалантириш (смета нархини аниқлаш, бюджетини тузиш ва ҳоказо); ⇒ қурилиш хизматлари ва қурилиш ишлаб чиқариш корхонасини инновацияларини жорий этишга тайёрлаш (персонал танлаш, янги захираларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш техника ва технологияларини янгилаш ва ҳоказо); ⇒ инновациянинг илк босқичи, яъни қурилиш ишлаб чиқариш корхонасига инновацияни киритиш йўллари таҳлил қилиш ва киритиш; ⇒ инновацион жараённи бошқариш ва ҳисоб-китоблар олиб бориш; ⇒ натижаларни баҳолаш ва қарор қабул қилиш.
---	---

16-расм. Қурилиш хизматлари ва қурилиш фаолиятини такомиллаштиришда инновацияни жорий этиш кетма-кетлиги

Ушбу омилларни эътиборга олиш келгусида қурилиш хизматларини сифатли ташкил этишга шарт-шароит яратади.

2.3. Капитал қурилишга жалб этилаётган инвестицияларнинг оптимал ҳажмини аниқлашнинг иқтисодий математик модели

Инвестициялар ўз моҳиятига кўра инсониятнинг ижтимоий, моддий эҳтиёжларини қондириш учун уй жойлар, маданий маиший объектлар ҳамда моддий неъматлар яратишга қилган у ёки бу кўринишидаги ҳаражатларидан иборат. “Инвестицияга ортикча мабалағни, мулкни қўйиш инсонларнинг эҳтиёжи ошиб борган сари, техник имкониятлар туғилган сари ҳажми жиҳатидан кўпайиб ва кенгайиб бормоқда⁴⁴. Бугунги кунда икки хил тушунча мавжуд: капитал маблағлар ва инвестициялар. Капитал маблағлар деганда давлатнинг ўз стратегик ва тактик масалаларини ҳал этиш мақсадида, бюджет маблағларидан янги қурилишларга, эскисини қайта таъмирлашга, кенгайтиришга техник қайта жиҳозлашга тақсимланган қуйилмалар тушунилади. Демак капитал қуйилмалар тақсимлаш асосида бирон – бир объектга қуйилади.

Инвестицияларнинг капитал маблағлардан фарқи шундаки мулкдор томонидан пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлари, техникаси ва технологияси, мулкка эгалик ҳуқуқи, интеллектуал мулки кабилар фойда олиш мақсадида тадбиркор фаолиятига жалб қилинишидан иборат. Демак, инвестицион маблағлар яъни мулкдорнинг пул, меҳнат, моддий неъмат шаклидаги ортикча маблағлари тақсимланиш характериға эга бўлмасдан, улар фақатгина маълум йўналишга жалб қилинади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари каби қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иқтисодий юксалишида инвестициялар жуда катта рол ўйнайди. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарининг иқтисодий, молиявий ҳолатини, техник ва технологик таъминланганлик даражасини кўтаришда инвестициялар асосий манба ҳисобланади.

⁴⁴ М.К.Пардаев Лойиҳа таҳлили. Самарқанд Кооператив институти. 2001 йил. Me'morchilik va qurilish muammolari, 2003, №1.

Иқтисодийнинг турли соҳаларига инвестицияларни жалб этиш амалга ошириладиган бўлсада, ҳали бу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мавжуд. Иқтисодийнинг барча соҳалари каби қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб этишда аввало ҳудуд ва минтақаларнинг мажмуали ривожланишини эътиборга олиш зарур. Бу эса ўз навбатида қаралаётган ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини эътиборга олишни талаб этади ва бу кўрсаткичлар мажмуига асосий фондларни ишга тушириш ҳажмини, аҳолининг бандлик даражасини, корхоналарнинг қўшимча хизмат кўрсатиш ҳажмини, маҳсулот экспорти салоҳияти юксалиши даражасини ва фонд қайтимини киритишимиз мумкин. Бу кўрсаткичларни мажмуа тарзда эътиборга олиб инвестиция жараёнларини амалга оширишгина ҳудудларнинг мажмуа ривожланишини таъминлайди. Аммо инвестиция жараёнларини амалга оширишда бир вақтнинг ўзида юқоридаги кўрсаткичларни эътиборга олиб ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш жуда мураккаб ва қийин масала ҳисобланади.

Бу масалаларни фақатгина иқтисодий-математик усуллар ва моделлар ёрдамидагина оптимал тарзда ечиш мумкин. Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни модернизациялаш инвестициялаш жараёнларининг оптимал йўналишлари ва ҳажмларини аниқлашнинг иқтисодий математик моделини кўриб чиқиш зарур.

Масаланинг математик моделини шакллантириш учун қуйидаги шартли белгиларни киритамиз:

X_{ij} – j -давр (йил ёки квартал) да i - йўналишдаги қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар қурилишини, уларни кенгайтириш ва модернизациялашни инвестициялашнинг изланаётган ҳажми (минг сўмда);

K_j – j - даврда жалб қилиниши мумкин бўлган жами инвестиция ҳажми (минг сўмда); α_i - қурилиш бўйича умумий жалб этилаётган

инвестиция ҳажмининг йўналишлардаги улишини ифодаловчи таркибий коэффициент;

β_{ik} - қаралаётган даврдаги қурилиш хизматлари инвестицияси йўналишидаги к-объектнинг зарурийлик коэффициенти;

n – қурилиш хизматлари кўрсатувчи короналар турлари сони;

P_{ij} - фонд қайтими;

P_{ij} – j - даврдаги (квартал, йил) i -йўналишдаги қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни инвестициялаш натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот қиймати (минг сўмда);

N_{ij}^M - j - даврдаги i -йўналиш бўйича бир-бирлик инвестиция ҳажмига тўғри келадиган меъёрий ишчи ўринлари сони (ишчи ўрин);

N_{ij}^X - j - даврдаги i -йўналиш бўйича бир-бирлик инвестиция ҳажмига тўғри келадиган ҳисоб бўйича ишчи ўринлар сони (ишчи ўрин);

V_{ij} – j – даврдаги (квартал, йил) i -йўналишда бир ишчи ўрнини яратишга тўғри келадиган инвестицион маблағ (минг сўмда);

V_{ij}^M – j – даврдаги (квартал, йил) i -йўналишдаги инвестиция натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳажми (минг сўмда);

V_{ij}^X – i – даврдаги (квартал, йил) i -йўналишда инвестициялаш натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳисоб бўйича ҳажми (минг сўмда);

C_{ij} – бир бирлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган инвестиция ҳажми;

Q_{ij-1}^2 - $j-1$ даврда (квартал, йил) – i - йўналишдаги маҳсулот экспорти салоҳияти (фоизда);

Q_{ij}^2 - j - даврда (квартал, йил) – i - йўналишдаги маҳсулот экспорти салоҳияти (фоизда);

V_{ij-1}^2 - $j-1$ даврда (квартал, йил) – i - йўналишдаги маҳсулот экспорти ҳажми (минг сўмда);

V_{ij}^y - j - даврда (квартал, йил) - i - йўналишдаги маҳсулот экспорти ҳажми (минг сўмда);

V_{ij-1}^y - j-1 даврда (квартал, йил) i - йўналишдаги умумий маҳсулот ҳажми (минг сўмда);

V_{ij} - j - даврда (квартал, йил) i - йўналишдаги умумий маҳсулот ҳажми (минг сўмда).

Иқтисодий математик модел қуйидаги кўринишга эга:

$$\text{максадли функция } \sum_{j=1}^m x_{ij} \rightarrow \max \quad (1)$$

$$X_{ij} = K_j \cdot a_i \cdot \beta_{ij} \quad (i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}; \quad k \in i)$$

Қуйидаги чегаравий шартлар бажарилиши талаб этилади:

$$P_{ij} = \max \left[\frac{\bar{I}_{ij}}{\delta_{ij}} \right] \quad (i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}) \quad (2)$$

$$N_{ij}^x \geq N_{ij}^m, \quad N_{ij}^x = \frac{K_j \cdot a_i \cdot \beta_{ij}}{B_{ij}}, \quad (3)$$

$$(i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}; \quad k \in i)$$

$$V_{ij}^p \geq V_{ij}^n, \quad V_{ij}^p = \frac{K_j \cdot a_i \cdot \beta_{ij}}{C_{ij}}, \quad (i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}; \quad k \in i) \quad (4)$$

$$Q_{ij-1}^y < Q_{ij}^y \begin{cases} Q_{ij-1}^y = \frac{V_{ij-1}^y}{V_{ij}^y} \cdot 100\%, & (i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}) \\ Q_{ij}^y = \frac{V_{ij}^y}{V_{ij}^y} \cdot 100\%, & (i = \overline{1, n}; \quad j = \overline{1, m}) \end{cases} \quad (5)$$

Моделнинг максад функцияси (1) j- даврда зарурий даражаси катта бўлган қурилиш бўйича инвестиция ҳажмининг максимал бўлишини талаб этади. (2,3,4,5) тенгсизликлар тизими максад функциянинг амалга оширувчи чегаравий шартлардир. Уларнинг иқтисодий мазмуни қуйидагича: тенглик (2) фонд қайтимининг максимал бўлиш шартини қўйса, (3) тенгсизлик қурилиш хизматларига жалб этилган инвестиция ҳажмига мос равишда

яратиладиган иш ўринлари сонини меъёрий кўрсаткичдан катта бўлишини тақозо этади. (4) тенгсизлик қурилиш инвестицияси натижасида қўшимча ишлаб чиқиладиган маҳсулот ҳажмининг меъёрий кўрсаткичлардан катта бўлишини ва (5) тенгсизлик j-даврдаги корхона экспорт салоҳиятининг аввалги даврга нисбатдан катта бўлишини талаб этади.

Қурилиш инвестициялари йўналишлари бўйича жалб этилиши зарур бўлган инвестициялар ҳажмларини аниқлашда таркибий коэффициент (a_i) муҳим ўрин эгаллайди. Бу коэффициентни қуйидаги йўналишлар бўйича аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- фаолият юритаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта қуриш (a_1);

- ҳаракатдаги қурилиш қувватларини кенгайтириш (a_2);

- янги ишлаб чиқариш объектлари қурилиши (a_3);

Бу коэффициентга қуйидаги талаб қўйилади:

$$\sum_{i=1}^n a_i = 1 \text{ ёки}$$

хусусий ҳол учун

$$\sum_{i=1}^3 a_i = 1$$

Моделда қаралаётган ҳудуднинг мажмуали ривожланишини таъминлашда юқоридаги шартлар билан бирга қурилиш инвестицияси йўналишдаги объектларининг зарурийлик даражасини кўрсатувчи β_k коэффициент қиймати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу коэффициент қийматини экспертлар баҳолари орқали аниқлаш интуитив характерга эга. Шунинг учун унинг қийматининг ҳисоблаб топиш учун қурилиш инвестицияси йўналишдаги объектларнинг асосий хусусиятларига эътибор бериш зарур. Кузатишлар, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бу коэффициентнинг қийматини бир қанча хусусий ҳоллар учун аниқланган қийматлардан синтез қилган ҳолда аниқлаш мумкин. Қуйида зарурийликни ифодалайдиган хусусий ҳолларга алоҳида тўхталамиз.

1. Қаралаётган худуднинг i -турдаги ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминганлиги даражаси. Бу кўрсаткич қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\beta_{ik1} = 1 - \frac{\theta_i}{\theta_i^y},$$

Бунда: θ_i - худуднинг i -турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятлари (натурал кўрсаткичларда);

θ_i^y - худуднинг i - турдаги маҳсулотга бўлган эҳтиёжлари (натурал кўрсаткичларда);

Хусусий коэффициент β_{ik1} 0 дан 1 гача бўлган қийматларни қабул қилади ва унинг қиймаги қанча катта бўлса мўлжалланаётган объектнинг зарурийлик даражаси шунча катта бўлади.

2. Ишлаб чиқариш объектларига жалб қилинаётган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибини ифодаловчи коэффициент. Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибини қуйидагиларни ўз ичига олади: ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш ва қайта қуриш; ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш: янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш. Бугунги иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олиб ҳар бир ҳол бугун қуйидаги қийматларни қабул қилиш мумкин:

- фаолият юритаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни реконструкция қилиш ва техник қайта қуриш $\beta_{ik2} = 1,0$;

- фаолият юритаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни қувватларини кенгайтириш $\beta_{ik2} = 0,8$;

- янги ишлаб чиқариш объектларини қурилиши $\beta_{ik2} = 0,6$.

Коэффициент қийматлари ошиб бориши билан объектларни зарурийлик даражаси ҳам ортади.

3. Объектлар қурилишига жалб қилинадиган инвестицияларнинг технологик жиҳатдан активлигини ифодаловчи коэффициент. Унинг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$\beta_{ik3} = \frac{C_{ik}^a}{C_{ik}}$$

Бунда: C_{ik}^a - технологик асбоб ускуналар нархи, минг сўмда;

C_{ik} - объектнинг умумий смета нархи, минг сўмда;

Бу коэффициент 0 дан 1 гача қийматларни қабул қилади ва 1 га яқинлашган сари объектнинг зарурийлик даражаси ошиб боради.

4. Объектлар турини ифодаловчи коэффициент. Инвестицияларни жалб қилиб, тезроқ фойда олиш учун қурилиши аввалдан бошланган объектларга инвестицияларни қўйиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун бу коэффициент қийматини қуйидагича қабул қилиш мумкин:

- қурилиши аввалдан бошланган объектлар учун $\beta_{ik4} = 1$;
- қурилиши янгидан бошланган объектлар учун $\beta_{ik4} = 0.7$

5. Қурилишнинг давомийлик коэффициенти. Бу коэффициент инвестицияларнинг қурилишга жалб этилиши вақтини ифодалайди. Унинг қиймати қуйидаги формулада аниқланади:

$$\beta_{ik5} = 1 - \frac{1}{t_{ik}}$$

Бунда; t_{ik} - i - қурилиш йўналишидаги k -объект қурилишининг меъёрий давом этиш муддати, (йил ёки ой).

Юқоридаги формула ёрдамида аниқланган коэффициент 0 дан 1 гача бўлган қийматларни қабул қилади ва унинг қиймати қанча катта бўлса, объектнинг зарурийлик даражаси камайиб боради.

Аввалги коэффициентлар қийматлари қанча ошиб борса, объект зарурийлиги шунча ортиб борар эди. Барча коэффициентлар ёрдамида объектлар қурилишининг зарурийлик коэффициентини келтириб чиқариш (синтез қилиш) учун охириги коэффициентнинг ҳам қийматини зарурийлик

даражасига тўғри пропорционал бўлишини таъминлаш учун ҳисоблаш формуласини қуйидаги кўринишга келтирамиз:

$$\beta_{ik} = 1 - \left(1 - \frac{1}{t_{ik}}\right)$$

Шундай қилиб қараб чиқилган барча хусусий коэффицентлар қиймати 0 да 1 гача бўлган қийматларни қабул қилади. Бу хусусиятлардан фойдаланган ҳолда қаралаётган даврда фаолият юритаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарга инвестицияни жалб қилишда k- объектнинг зарурийлик даражасини қуйидагича аниқлаймиз:

$$\beta_{ik} = \frac{\sum_{i=1}^N \beta_{ik}}{N}, \quad (i = \overline{1, n}; k \in i)$$

Бу ерда: N- i- қурилиш йўналишидаги k- объектнинг зарурийлик даражасини аниқлаш учун қўлланиладиган хусусий коэффицентлар сони, (N-3).

Такдим қилинаётган иқтисодий математик модел қурилишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, фаолият юритаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни модернизация қилишда оптимал инвестиция ҳажмларини аниқлаш имконини беради.

II боб бўйича асосий хулосалар

Қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишда инновацион жараёнлар ва инвестициялар роли мавзусини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қурилишда инновацион жараённи шакллантирувчи омилларга илмий-техник тараққиёт, жамият истеъмолидаги ўзгаришлар, иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида хизматларнинг байналмилаллашуви давлат ва бизнес соҳасидаги устувор йўналишларни киритишимиз мумкин.

2. Қурилиш соҳасида самарадорликнинг иккита асосий тушунчаси мавжуд: мутлоқ ва нисбий самарадорлик. Қурилиш ташкилотларининг

мутлоқ самарадорлиги— мамлакат, вилоят ёки туман миқёсида баҳоланиб, капитал қурилиш хизматларининг амалга оширилиши билан боғлиқ чоратadbирларнинг ва харажатларнинг умумий самарасини билдиради. Қурилиш ташкилотларининг нисбий самарадорлиги— алоҳида ташкилот доисасида ҳисобланиб одатда вақт омилини ҳисобга олиш орқали шакллантирилади. Бу асосан капитал қурилишни хизматларини бажариш жараёнида, қурилиш хизматларини яқунлаш ва техник лойиҳалаш жараёнида амалга оширилиб, мавжуд хизмат кўрсатишнинг кўрсатилган хизматларга нисбатан таққосланиши орқали аниқланади.

3. Қурилишда инновацион жараёнларнинг асосий хусусиятларига техник, янги техника, ускуналар ва қурилиш хизматини кўрсатишда меҳнатни ташкил этишнинг техник-технологик усулларининг қўлланилиши, ташкилий-технологик, янги қурилиш хизматининг турлари, қурилиш хизматини кўрсатишнинг янада самарали шакллари ва меҳнатни ташкил этиш меъёрлари билан боғлиқлиги, бошқарув, ташкилотнинг ички ва ташқи алоқаларини такомиллаштиришда менежмент усул ва шакллари қўллашга йўналтирилганлиги, мажмуавий, бир вақтнинг ўзида қурилиш сервис фаолиятининг турли томонларини қамраб олишлиги кабиларни киритиш мумкин.

4. Қурилишда инновацион жараёнлар фаол тадбиркор ёки қурилиш хизматини кўрсатиш соҳаси ходими томонидан янги ғояни ишлаб чиқиш босқичида бошланади. Кейинчалик бу ғоя уни амалга тадбиқ этиш лойиҳасинияратиш жараёнида аниқлаштирилади. Шундан сўнг инновацион жараён уни тадбиқ этишда ва уни қурилиш сервис амалиётида қўллашда давом эттирилади.

III БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматининг ўрни.

Қурилиш ишлари сифатини ошириш, қурилиш материалларининг маҳаллийлаштириш дастури асосида арзон ва қулайлигини таъминлаш асосий эътиборда турибди. Бу ўз навбатида соҳага инновациялар киритилаётганлиги билан боғлиқдир. Вилоятда жорий йилнинг 1-чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 871,8 млрд сўм (115,6 фоизни), белгиланган прогноз 3,6 бандга (112 фоиз), халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 554 млрд сўмни (112,6 фоиз) ташкил этиб, 1,6 бандга, чакана товар айланмаси 953,2 млрд сўм (117,5 фоиз) ташкил этиб, 3,8 бандга, қурилиш-пудрат ишлари 235,9 млрд сўм (109,7 фоиз) ташкил этиб, 0,1 бандга ҳамда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 307,2 млрд сўмни (107,5 фоиз) ташкил этиб, 1,7 бандга ўсишига эришилди. 39,5 млн доллар миқдорида экспорт амалга оширилиб, ўсиш даражаси 108,1 фоизни ташкил этди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 67,3 фоизни (2012 йилга нисбатан 0,5 бандга кўп), хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 58,8 фоизни (2012 йилга нисбатан 0,5 бандга кўп) ташкил этмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши 0,5 бандга камайган бўлса, саноат соҳаси 0,3 бандга, қурилиш соҳаси 0,9 бандга ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасининг улуши 0,4 бандга ошди.

1-чорак якуни билан 98 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 226 та савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари фойдаланишга топширилди.

Жумладан, 59 та (режа 57 та) чакана савдо шахобчаси, 29 та (режа 27 та) умумий овқатланиш шахобчаси, 7 та (режа 7 та) кийим тикиш ва таъмирлаш хизмати шахобчаси, 6 та (режа 6 та) пойафзал тикиш ва

таъмирлаш хизмати шахобчаси, 22 та (режа 22 та) гўзаллик салони ва сартарошхона, 7 та (режа 7 та) суратхона, 17 та (режа 17 та) маиший техникаларни таъмирлаш устахонаси, 16 та (режа 14 та) автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаш устахонаси ва 63 та (режа 54 та) бошқа объектлар ташкил этилди.

Барча манбалар ҳисобидан 22,8 км газ узатиш тармоқлари ҳамда 101,3 км сувузатиш тармоқлари қуриб, фойдаланишга топширилди, умумий майдони 241,9 минг кв.м. уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда 180,4 млрд сўм маблағ ўзлаштирилиб, 1127 та намунавий уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Январ-март ойларида намунавий уй-жойлар қурилишида 38515,3 млн сўм маблағ ўзлаштирилиб, йиллик режа 21,3 фоизга уддаланди.

2014 йил 1-чорагида Инвестиция дастурига кўра 185 та ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан 72 та ичимлик суви объектларида янгидан қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда Республика бюджетидан ичимлик сувлари учун бугунги кунга қадар 4032,6 млн сўм маблағ сарфланиб, 28 та объект фойдаланишга топширилди.

Жумладан:

Касб-ҳунар коллежлари 18 та, шундан: 4 та коллеж реконструкция қилинди, 13 та касб-ҳунар коллежлари ва 1 та академик лицей капитал таъмирланди, 44543,8 млн сўм маблағ ўзлаштирилиб, йиллик режа 34,4 фоизга бажарилди

Умумтаълим мактаблари 66 та, шундан:

52 та умумтаълим мактаби реконструкция ва 14 та умумтаълим мактабларини капитал таъмирлаш ишларига 13546,1 млн сўм ўзлаштирилиб, йиллик режа 33,2 фоизга бажарилди.

Соғлиқни сақлаш объектлари 12 та, шундан:

Иштихон, Пайарик, Нарпай, Ургут ва Тайлок туманларида туман тиббиёт бирлашмаларини реконструкция қилиш, Самарқанд шаҳар юқумли касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш, ва Ургут туманидаги руҳий касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш), 8496,4 млн сўм маблағ ўзлаштирилиб, йиллик режа 33 фоизга бажарилди.

Болалар спорти объектлари 17 та, шундан:

4 та мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши, 8 та спорт заллари қурилиши, 1 та сузиш ҳавзаси қурилиши ва 4 та спорт мактаблари реконструкция ва капитал таъмирлиш ишларига 7,4 млрд сўм сарфланди.

2014 йилда Инвестиция дастури асосида 2,1 трлн сўмлик инвестиция жалб қилинади. Бу 2013 йилга нисбатан 286,8 млрд сўмга кўп.

2014 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан 1 триллион 373 млрд сўм даромад олинishi ва рентабеллик даражаси 25,2 фоизга ошиши режалаштирилди.

Вилоятда янгидан 2280 та кичик бизнес субъектлари ҳамда 1886 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилади ва улар ҳисобига 15 мингдан ортиқ иш ўринларини яратиш бўйича барча чоралар кўрилади. 2014 йилда 93,4 мингта янги иш ўринларини яратиш бўйича манзилли дастур асосида ишлар давом эттирилади.

Бу тадбирлар натижасида йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,4 фоизга, саноат 13,6, қишлоқ хўжалиги 5,8, қурилиш-пудрат ишларини 11, чакана савдо 14,3, хизматлар кўрсатиш 18 ва экспорт 9 фоизга ўсишига эришилади.

2014 йилда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 1127 та уй-жойлар қурилиши белгиланган. Ўтган даврда барча уй-жойлар бўйича тендер савдолари ўтказилиб, 122 та салоҳиятли пудратчилар аниқланган. Уй-жойларнинг умумий қиймати 180 407 млн сўм бўлиб, биринчи чорак мобайнида 49905 млн сўм молиялаштирилди (27,6 фоиз), 35955 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди (20 фоиз). Бугунги кунда уй-жойларда ер ва пойдевор ишлари 100 фоиз тугалланган. 294 та уй-жойларда

ғишт териш ишлари, 121 тасида плита ёпиш ишлари, 21 тасида том ёпиш ишлари, 6 тасида эшик ва дераза ўрнатиш ишлари, 6 тасида ички ва ташқи сувоқ ишлари тугалланган.

Ичимлик сув объектлари қурилиши бўйича:

41 та массивда 29 та ичимлик сув объектлари ва 42,4 км сув тармоқлари қурилиши белгиланган, барча объектлар бўйича пудратчилар аниқланган. Объектларнинг тендер баҳоси 3122,3 млн сўм бўлиб, 1528,3 млн сўм маблағ молиялаштирилган (49 фоиз). 2039 млн сўмлик (65 фоиз) қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. 16,4 км сув тармоқлари фойдаланишга топширилган.

Ички йўллар қурилиши бўйича:

Массивлар ички йўллари қурилишига Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3044,1 млн сўм лимит ажратилган.

39 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари 100 фоиз тайёрланган. Республика йўл жамғармасининг соҳавий экспертизаси хулосаси олинган. Матбуотда тендер ўтказиш бўйича эълон берилди. 9-10 апрел кунлари танлов савдолари ўтказилди.

Табиий газ тармоғи қурилиши бўйича:

Массивларда 44,2 км табиий газ тармоғи қурилиши белгиланган. Лойиҳа-смета ҳужжатлари 100 фоиз тайёр. Газ таъминоти бўйича 1741 млн сўм маблағ молиялаштирилган бўлиб, бугунги кунда 4,5 км газ қувури ва 4 дона юқори босимли ГТҚ захираси мавжуд.

Электр тармоғи қурилиши бўйича:

Массивларда 34,2 км электр тармоғи қурилиши, 37 та трансформатор пункти ўрнатилиши белгиланган. Бугунги кунда массивларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр.

Инфратузилма объектлари қурилиши бўйича:

20 та бозор инфратузилмаси объектлари (3 та гузар, 4 та савдо комплекси, 2 та бозор, 5 та новвойхона, 4 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси, 2 та мини банк) қурилиши белгиланган.

Объектларнинг барчаси бўйича эгалари аниқланган, 20 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ тайёрланган.

18 та объектда қурилиш ишлари олиб борилмоқда, 2 таси фойдаланишга топширилди⁴⁵.


Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2011 йилда Самарқанд вилоятида 733.6 млрд сумлик қурилиш ишлари амалга оширилиб бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 30.6% кўп демакдир. 2012 йилга келиб қурилиш ишлари 904.7 млрд сум ёки ўтган йилга нисбатан 15.5% кўп. 2013 йилга келиб қурилиш ишлари 1199.6 млрд сўмни ташкил этди. Шу билан бирга қурилиш ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши ҳам ортиб бормоқда. 2010 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 86.2 млрд сўм, 2012 йилда 92.3 млрд. сўм, 2013 йилда эса 95 млрд сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. (17-расм)



17-расм. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматларининг ўсиш динамикаси.

⁴⁵ http://www.samarkand.uz/uzc/economic_indicators– Самарқанд вилояти ҳокимлиги сайти

Бугунги кунда вилоятда жами 48331 та юридик шахс рўйхатга олинган бўлиб улардан 1683 таси қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналардир. 2012 йилда уларнинг сони мос равишда 46695 та ва 1564 та, 2013 йилда эса 48157 тага 1626 тани ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.(18-расм)




18-расм. Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар улушининг ортиб бориш динамикаси.

Вилоятнинг етакчи тармоқларида рўйхатга олинган корхоналар сонини таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагига гувоҳ бўламиз.(19-расм)



19-расм. 2012 йилда Самарқанд вилояти бўйича фаолият кўрсатилган хизматларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши.





21-расм. 2014 йилнинг биринчи ярмида Самарқанд вилояти бўйича фаолият кўрсатаётган хизматларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши.

Вилоят иқтисодиётида қурилиш хизматлар кўрсатувчи корхоналар сони, уларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва улушининг ортиб бориши билан бир вақтда уларнинг асосий фондлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2013 йил якунига кўра уларнинг асосий фондлари ҳажми 271 646 657,0 минг сўми ташкил этган бўлса 2014 йилнинг биринчи чорагида уларнинг ҳажми 16378063,0 минг сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига қадар 2,4 марта ортган. Шунингдек асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2012 йилда 120% га ошиб 1813.2 млрд сўми ташкил қилди. Бу эса қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг сифат жиҳатидан ўзгараётганлигини, уларнинг рентабеллигининг ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

3.2. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 12 апрелдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳузурида «Samarqand uy-joy ta'mir» профессионал бошқарув ташкилоти давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Мазкур корхона томонидан кўпқаватли уй-жойларга ўрнатилган лифтларни техник кўриқдан ўтказиш, таъмирлаш, монтаж қилиш ишлари, авария-диспетчерлик хизмати кўрсатиш ҳамда уй-жой соҳасида хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига кўчмае мулкни бошқариш, қуриш ва қайта қуриш соҳаларида хизмат қилиш йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда қурилиш корхоналари хусусий уй-жой ширкатлари билан қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш масалаларида шартнома асосида ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Шунингдек, профессионал бошқарув ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш ва қурилиш таъмирлаш ишларига зарур бўлган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналарни марказлашган ҳолда олиб келишни ташкил этиш ва захирасини яратиш устида иш олиб бормоқда.

“Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури ва Президентимизнинг жорий йил 19 июнда қабул қилинган “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан вилоятда ана шундай турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтириш, мавжулларининг ишлаб чиқариш қувватини

Янги ташкил этилган ғишт, гипсокартон ва бошқа қурилиш материаллари, замонавий эшик-ромлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар аҳолининг юқори сифатли қурилиш ашёларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, ўтган даврда Булунғур туманида 5 та, Пахтачи ва Нуробод туманларида 3 тадан, Пастдарғом туманида иккита ана шундай корхона ташкил этилди.

Пастдарғом туманидаги “Пана”қўшма корхонасининг “Гўзалкент ғишт сервис” шўъба корхонаси йилига 14 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига ега. Умумий лойиҳа қиймаги 539 миллион сўм бўлган мазкур заводга хитойлик хамкорлар томонидан 300 минг АҚШ доллари миқдорида инвеститсия киритилиб, замонавий технологиялар ўрнатилди. Корхонада биринчи босқич ишлари якунланиб, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ерда етмишга яқин киши иш билан таъминланди.

Вилоят статистика бошқармасининг 2014 йил 1 чораги маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда вилоятдаги 1683 та қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 1362 таси фаолият юритмоқда, 283 таси фаолиятини тўхтатган, шундан 29 таси ўз фаолиятини тугатган.

3-жадвал

Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган қурилиш корхоналари тўғрисида маълумот⁴⁶

Номи	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Рўйхатдан ўтган корхоналар	1525	1590	1645
Фаолият кўрсатаётган	1258	1371	1362
Фаолият кўрсатмаётган	267	219	283
Янгидан рўйхатдан ўтган	140	203	82
Тугатилган	220	173	29

Ушбу қурилиш корхоналарининг аксарияти шаҳарларда тўпланган бўлиб, қурилиш хизматларига бўлган талабнинг шаҳарларда ўрланганлигидан далолат беради. Қурилиш корхоналарининг аксарияти Самарқанд шаҳри, Жомбой, Пастдарғом, Ургут ва Пайарик туманларида жойлашган.

Хусусий ҳолда кўрадиган бўлсак, вилоятда фаолият кўрсатаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи «Sam New Tech» корхонаси томонидан 2013 йилда 9163500 минг сўмда иш бажарилди.

4-жадвал

2013 йилда Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган қурилиш корхоналарининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот⁴⁷

№	Туман ва шаҳарлар	Сони	Ишлаб чиқариш ҳажми
1.	Самарқанд ш.	220	164574983
2.	Кагтақўрғон ш.	21	5172081
3.	туманлар: шу жумладан:	411	232857276
4.	Оқдарё	20	29575603
5.	Булунгур	16	5581517
6.	Жомбой	40	26348486
7.	Ишғихон	25	15454255
8.	Кагтақўрғон	18	9724091
9.	Қўшробот	31	10313865
10.	Пайарик	46	27509868
11.	Пастдарғом	50	23369613
12.	Пахтачи	23	4210706
13.	Самарқанд	29	24775595
14.	Нарпай	34	31641783
15.	Нуробод	7	1217254
16.	Тайлоқ	33	23134640
17.	Ургут	39	27338319

2014 йилнинг биринчи чорагига келиб вилоятдаги қурилиш корхоналаридан 84 таси томонидан 35816,8 млн сўмлик иш бажарилган. Қолган қурилиш корхоналари томонидан амалга ошириладиган хизматларнинг мавсумий хусусиятга эга эганлиги боис улар томонидан қурилиш ишлари бажарилмаган. Қурилиш хизматлари кўрсатган корхоналарнинг вилоят ҳудудлари бўйича тақсимланиши куйидагича

5-жадвал

2014 йилнинг биринчи чорагида қурилиш хизматлари кўрсатган қурилиш корхоналарининг вилоят ҳудудлари бўйича тақсимланиши тўғрисида маълумот⁴⁸

№	Туман ва шаҳарлар	Сони	Ишлаб чиқариш хажми
1.	Самарқанд ш.	25	11196009
2.	Қаттақўрғон ш.	2	42700
	туманлар: шу жумладан:	59	24620815
3.	Оқдарё	6	2436822
4.	Булунғур	1	361381
5.	Жомбой	9	2827736
6.	Иштихон	1	328528
7.	Қаттақўрғон	2	1340719
8.	Қўшробот	6	756527
9.	Пайарик	3	821976
10.	Пастдарғом	5	2330055
11.	Пахтачи	3	699869
12.	Самарқанд	4	2887383
13.	Нарпай	8	3963048
14.	Нуробод	-	-
15.	Тайлоқ	6	3030859
16.	Ургут	5	2835912
	Жами	84	35816824

3.3. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ҳажмини прогнозлаш

Қурилиш хизматларини бажариш соҳа тизимида ҳудудда олиб юриладиган қурилишнинг у ёки бу тармоғидаги устунлиги(қолоқлиги) ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Бунда инвестицион (заҳира) имкониятларидан келиб чиққан ҳолда истиқбол режаларини тузиш имконияти бўлади. Қурилиш хизматлари кўрсатишнинг тузилиши бажариладиган, бажарилган ёки бажарилиши қандай кечаётганлигини бажариладиган ишларнинг турига қараб аниқлаш мумкин.

Қурилиш хизматлари кўрсатиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар пировард натижада прогноз параметрларига эришиши учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1) Яқин келажакдаги ва истиқболда манфаатлардан келиб чиққан ҳолда қурилиш комплекси ривожланишини инвестицион сиёсат билан мос равишда узвий боғланган ҳолда амалга ошириш. Маълумки, қурилиш хизматлари кўрсатиш ва саноат ишлаб чиқариш ўртасида яқин алоқа мавжуд. Саноат ишлаб чиқаришнинг пасайиши қурилиш хизматлари кўрсатишнинг ёпилишига олиб келади ва аксинча.

2) Марказлашган капитал қўйилмаларининг чекланган ресурсларидан фойдаланишнинг натижавий йўналишларини асослаш.

3) Бозор механизмларининг интенсификацияси, уларнинг инфратузилмасининг таркиби(банк, суғурта компаниялари, инвестицион фондлар).

4) Қурилиш ишлаб чиқаришда илмий-техникавий тараққиётнинг даражаларини тезлаштириш, изланиш ва кашфиётларнинг ҳажмини ошириш, қурилиш машиналар паркни техник қайта қуроллантириш ва янгилаш, лизинг операцияларидан кенг фойдаланиш.


инвестицион қурилиш сиёсати билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлари бажарилишининг тузилиши, нафақат унинг индустриал ривожланиш даражасини балки маълум даражада қурилиш ишлари ва бажарилиши ҳудуд иқтисодиётидаги у ёки бу соҳага йўналтирилган маблағларнинг самарадорлигини ҳам акс эттиради. Қурилиш хизматлари кўрсатилишининг таҳлили ва прогноз кўрсаткичларини қуйидаги жадвал орқали умумлаштириш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

Қурилиш хизматлари кўрсатилишининг таҳлили ва прогноз кўрсаткичлари

Тармоқ бўйича	Ҳудудий
Алоҳида соҳаларда кўрсатиладиган (масалан, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва б.) ҳудудда бажарилаётган умумий ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари	Ҳудудда бажарилаётган умумий ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларининг улуши, республика бўйича бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажми.
Қурилишнинг алоҳида соҳаларида (масалан, саноат қурилиши, энергетика қурилиши ва б.) қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган ишчиларнинг сони	ҳудуд қурилиш ишларидаги ишчилар сони. Республика бўйича қурилишда машғул бўлганлар сони.
Қурилиш-монтаж ишларининг ҳудуддаги суръати.	Республика ва ҳудуд миқёсидаги қурилиш-монтаж ишларининг суръати нисбати
Асосий фондларнинг ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан қурилиш-монтаж ишлари суръатининг ўзиши (орқада қолиши).	Республикада "калит билан" топширилган объектлар сони бўйича ҳудуд улуши
Ҳудуд бўйича тармоқлардаги тугалланмаган қурилиш хизматларининг умумий ҳажми	Республика бўйича тугалланмаган қурилиш ишларининг ҳудуддаги ҳажми

Статистик маълумотларга кўра Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари кўрсатиш ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда. 2011 йилда қурилиш хизматлари ҳажми 733,6 млрд.сўм, 2012 йилда 904,7 млрд.сўмни ташкил этган ва ўсиш суръати 18.6% бўлган. 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 1099.6 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, 2011 йилга нисбатан 52% ўсишга эришган. Ушбу кўрсаткичларга асосида келгуси давр учун прогноз кўрсаткичларини тузиб чиқамиз.(22-расм)



22-расм. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари ўсишининг регрессия прогнози


Ушбу графикдан таҳлил қиладиган бўлсак, қурилиш хизматлари ўсиши даражали функция билан ифодаланган. Бу формула ёрдамида қурилиш хизматларининг 2015 йилгача бўлган даврини прогнозлашимиз мумкин бўлади. (7-жадвал)

**Самарқанд вилоятида қурилиш хизматларининг 2015 йилгача
бўлган даври учун прогноз кўрсаткичлари**

Йиллар	Йиллар коэффициенти (интервал 1.322)	Функциянинг қиймати	Ўтган даврга нисбатан ўзгариш
2013 йил	3,165	1099,6	195,0
2014 йил	4,487	1247,3	147,7
2015 йил	5,809	1369,2	121,9

Ушбу жадални таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилнинг якунига кўра қурилиш хизматлари ҳажми 147.7 млн сўм ёки 13.4%га ортади ва 1247.3 млрд сўмни ташкил қилади. 2015 йил якунига кўра бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатанга 269.5 млн.сўмга ёки 24.5%га ўсишга эришади.

Шу тарзда қурилиш хизматларида кичик бизнес улушининг ўзгаришини ҳам таҳлил қиламиз.(23-расм)



23-расм. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматларида кичик бизнес улушининг регрессия прогнози.

Ушбу графикдан таҳлил қиладиган бўлсак, кичик бизнес субъектларининг қурилиш хизматларидаги улушининг ўсиши даражали

**Самарқанд вилоятида кичик бизнес субъектларининг қурилиш
хизматларидаги улушининг 2015 йилгача бўлган даври учун прогноз
кўрсаткичлари**

Йиллар	Йиллар коэффициенти (интервал 0.166)	Функциянинг қиймати $y = 92,16x^{0,020}$	Ўтган даврга нисбатан ўзгариш
2013 йил	1,166	95,0	2.7
2014 йил	1,332	97,6	2,6
2015 йил	1,498	99,9	2.3


Ушбу жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилнинг якунига кўра кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилган қурилиш хизматлари ҳажми 2.6 млн сўм ёки 2.7%га ортади ва 97.6 млрд сўмни ташкил қилади. 2015 йил якунига кўра бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатанга 4.8 млн.сўмга ёки 4.7%га ўсишга эришади.

Кичик бизнес субъектлари улушининг камайиб бориш тенденциясини таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2137 сонли қарорига асосан республикамиз ҳамда вилоятларида қурилиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлари реестрини ҳар йили янгиланадиган ягона электрон маълумотлар базасини яратган ҳолда, республиканинг вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари доирасида тизимли юритилишининг ташкиллаштирилганлиги, қурилиш-пудрат ташкилотларининг Реестрини юритишда қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, қурилиш ташкилотларининг қурилиш-пудрат ишларининг тури ва йўналиши бўйича ихтисослашганлиги, қурилиш-монтаж ишларининг таркиби ва хусусиятига мувофиқ доимий қурилиш-ишлаб чиқариш ходимлари билан тўлдирилганлиги; қурилиш

... ишларининг ва ташкилий тўзилмасига мувофиқ асосий

механизация воситалари мавжудлиги; қурилиш буюртмачиси ҳамда эксплуатация ташкилотининг хулосалари билан тасдиқланган, қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа ҳужжатларига ва тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ бажарилгани, шаҳарсозлик, санитария меъёрлари ва қоидаларига, белгиланган муддатлар ва сифатга риоя этилгани тўғрисида маълумот; ташкилотнинг аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий-иқтисодий ҳолати, шунингдек айланма маблағлар билан таъминланганлиги каби маълум талаблар ўрнатилган⁴⁹.

Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг асосий фондлари 2014 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 марта ошган. Тадқиқот жараёнида самарқанд вилоятида фаолият юритаётган айрим қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг асосий фондлари ўсиши ва ушбу соҳага киритилаётган капитал инвестициялар ҳажмининг 2014-2015 йиллар якунига қадар давр учун прогноз қилинди.



24-расм. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари соҳасида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг даражали прогноз

Ушбу графикдан таҳлил қиладиган бўлсак, қурилиш хизматларидаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2011 йилда 1113,2 млрд.сўм, 2012 йилда 1356.6 млрд.сўм, 2013 йилда эса 1813.2 млрд.сўмни ташкил этган. Ушбу ўсиш даражали функция билан ифодаланган. Бу функция ёрдамида 2015 йилгача бўлган даврининг прогноз қийматларини олишимиз мумкин. (9-жадвал)

9-жадвал

Самарқанд вилоятида кичик бизнес субъектларининг қурилиш хизматларидаги улушининг 2015 йилгача бўлган даври учун прогноз кўрсаткичлари

Йиллар	Йиллар коэффициенти	Функциянинг қиймати	Ўтган даврга нисбатан ўзгариш
2013 йил	3,336	1813,2	456,6
2014 йил	4,981	2151,7	338,5
2015 йил	6,626	2430,5	278,8

Прогноз кўрсаткичлари бўйича 2014 йилнинг охирига бориб Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2013 йилга нисбатан 338,5 млн.сўмга ёки 18,6 %га ортади. 2015 йилда эса бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 617,3 млн.сўмга ёки 34,4%га ортади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар.

Ҳозирги вақтга келиб республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Шунга кўра, “Қурилиш хизматлари корхоналарида ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш” қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасида барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхонада меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширилади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларининг техника хавфсизликларини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлар, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Меҳнат шароити зарали ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта

..... йил инфляцияси билан боғлиқ шароитларда

2. Ҳар квартилда йўриқномалардан ўтказиб ўқув тушунтириш ишлари жойларда ташкил этиш;
3. Бўлимларда биринчи ёрдам учун шароит яратиш;
4. Барча асбоб-ускуналарни ва жиҳозларни ҳимоя тўсиқларини маҳкамлаш ва таъминлаш;

Корхона ёнғин хавфсизлиги тўғрисида гапиришдан олдин ёнғин тўғрисида тушунча ҳосил қилишимиз лозим. Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда ва ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар Вазирлигининг ёнғиндан муҳофазак қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ёнғин ҳавфсизлиги корхоналари халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз

билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, таркалиб кетмаслиги чоратадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, арашилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларнинг йўқотиш усулининг бузулиши ва бошқа ҳолағлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

1. Хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
2. Ускуна-мосламаларни тўсикланган ҳолатда жойлаштириш;
3. Корхона биноларидаги қўлланиладиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
4. Ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли констентасияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
5. Ёнувчи аралашмаларга ингибиторлик, инерт моддалар қўшиш;
6. Ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда

8. **Технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигининг таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;**
9. **Белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;**
10. **Технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ишга тушуришдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;**
11. **Хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;**
12. **Ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;**
13. **Кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.**

Технологик жараёнлар ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

III-боб бўйича қисқача хулосалар

Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш орқали қуйидаги хулосалар олинди:

1. Бугунги кунда вилоятда жами 48331 та юридик шахс рўйхатга олинган бўлиб улардан 1683 таси қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналардир. 2012 йилда уларнинг сони мос равишда 46695 та ва 1564 та, 2013 йилда эса 48157 тага 1626тани ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда

2. Вилоят иқтисодиётида қурилиш хизматлар кўрсатувчи корхоналар сони, уларнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва улушининг ортиб бориши билан бир вақтда уларнинг асосий фондлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. 2013 йил

3. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2012 йилда 120% га ошиб 1813.2 млрд сўми ташкил қилди. Бу эса қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг сифат жихатидан ўзгараётганлигини, уларнинг рентабеллигининг ортиб бораётганлигидан далолат бермади.

4. Қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитининг яратилганлиги боис вилоятда қурилиш хизмат кўрсатувчи корхоналар сони ўсиб бормоқда. 2012 йилда қурилиш хизматини кўрсатувчи корхоналар сони 1564 та, 2013 йилда 1626 та, 2014 йилнинг биринчи чорагида эса 1683 тани ташкил этган.

5. Самарқанд вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2013 йилга нисбатан 338,5 млн.сўмга ёки 18,6 %га ортади. 2015 йилда эса бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатан 617,3 млн.сўмга ёки 34,4%га ортади.

6. Қурилиш хизматларидаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2011 йилда 1113,2 млрд.сўм, 2012 йилда 1356.6 млрд.сўм, 2013 йилда эса 1813.2 млрд.сўми ташкил этган.

7. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг асосий фондлари 2014 йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 марта ошган.

8. Таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2014 йилнинг якунига кўра қурилиш хизматлари ҳажми 147.7 млн сўм ёки 13.4%га ортади ва 1247.3 млрд сўми ташкил қилади. 2015 йил якунига кўра бу кўрсаткич 2013 йилга нисбатанга 269.5 млн.сўмга ёки 24.5%га ўсишга эришади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Курилиш ишлаб чиқаришнинг ресурслар билан таъминланганлиги – капитал курилишнинг жорий ва истикболли дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бозор шароитида корхона ва ташкилотларнинг ресурсларини шакллантириш ва урдан фойдаланишга бўлган муносабати миқдорий ва сифат жиҳатдан ўзгаради.

Ишлаб чиқариш фондларини (асосий ва айланма) ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини характерлайди. Улар меҳнат ресурслари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг бир маромда давом этишни ҳамда сарфланган маблағларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш фондлари ва кадрлар салоҳияти кўп жиҳатдан ҳар бир курилиш ташкилотининг ва бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини (кувватини) белгилаб беради.

Бозор шароитларида ресурс салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш аввало корхона ва ташкилотларнинг вазифасидир. Давлат хўжалик субъектларининг бу борадаги мустақиллигини раҳбатлантиради, ҳолбуки уларни зарур ҳолларда қўллаб-қувватлаб ҳам туради.

Курилишдаги муҳим вазифа – бу айланма воситаларнинг айланишини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишдир, бу эса ўз навбатида одамларнинг меҳнатга, ресурсларни тежамли фойдаланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва бошқа шу кабиларга бўлган муносабатларига боҳликдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришга нисбатан аввалги буйруқбозлик ёндашуви йўқ, унда амалдаги қонунчиликда тасдиқланган меъёрлардан ташқари аввалдан тасдиқланадиган назорат рақамлари, лимитлар ва қатъий меъёрлар бўлмайди, бу эса ишлаб чиқиладиган курилиш дастурлар ва кўрсатиладиган курилиш хизматларининг илмий

Қурилиш ташкилотини иктисодий-ижтимоий ривожлантириш режаси бир неча бўлимларни ўз ичига олади. Уларнинг ичида марказий ва энг муҳими ишлаб чиқариш дастури ёки асосий фондлар ёки ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режаси бўлиб, қиймат ва натурал ифодадад ишлаб чиқилади.

Янги инвестицион қўйилмалар, “ноу-хау”, қурилиш хизматларининг янги турларини ўзлаштириш кўринча мақсадли ва пировард функциялари билан фарқ қилувчи бизнес-режалар ёки бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Қурилишнинг смета қиймаги аввалдан кафолатланган фойда нормасини ҳисобга олувчи қурилиш маҳсулотининг нархи ҳисобланади. Қурилишнинг смета қийматини камайтириш – лойиҳаловчи, қурувчи ташкилотлари ва инвестицион жараённинг бошқа иштирокчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Смета қиймати капитал маблағларга талабни белгилаш, буюртмачи томонидан молиялаштиришни бошлаш, бажарилган ишларга ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида у баҳо белгилашга, инвестицион жараённинг ҳамма босқичларида тежаш режимига амал қилишга, қурилишда ва лойиҳалаштиришда илмий-техникавий тараққиёт ютуқларидан муваффақиятли фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг вазифаси асосий фондлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватини ўз вақтида ва сифатли ишга тушириш асосида харажатларни камайтириш, фойдани оширишдир. Рентабеллик кўрсаткичи қурилиш корхонасининг белгиланган самарадорлик натижасида ҳаракат қилига интилишни акс эттиради.

Ўзбекистон иктисолиётига қурилиш хизматларига қаратилган

1. Қурилиш хизматлари ҳолатини ошириш ва барқарорлик даражасини таъминлаш ҳисобига инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишига эришиш лозим. Бунинг учун, ЯИМ таркибида қурилиш билан боғлиқ инвестиция оқимларининг салмоғини 15-20% атрофида таъминлаш чораларини кўриш лозим.
2. Қурилиш хизматларига қаратилган инвестицияларнинг реал қиймаги пасайишига йўл қўймаслик мақсадида: биринчидан, уларнинг самарадорлигини баҳолашда инфляция ва девальвация суръатларини ҳисобга олиш ҳамда девальвация суръатининг нисбатан паст ва барқарор даражасини таъминлаш лозим. Натижада, республикамизда марказлашган инвестицияларнинг реал қиймати 2014 йилда 2010 йилга нисбатан 10%га оширилишига эришилади.
3. Қурилиш хизматларини ички ва ташқи инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигига эришишда лойиҳаларни бюджет дастаклари орқали мазкур молиялаштириш бўйича йўналтирилаётган кредитлар фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш, экспортнинг географик жиҳатдан диверсификацияланиш даражасини ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таклифни амалиётда қўллаш натижасида қурилиш хизматларига инвестициялар жалб этиш 2014 йилда 2010 йилган нисбатан 5,5 млн АҚШ долларига кўп бўлиши таъминланади.
4. Иқтисодиётнинг барча соҳалари каби қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни модернизациялаш учун инвестицияларни жалб этишда аввало соҳанинг комплекс ривожланишини эътиборга олиш зарур. Бу эса ўз навбатида қаралаётган иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичларини эътиборга олишни талаб этади.
5. Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни модернизациялаш инвестициялар ҳажминининг оптимал йўналишлари ва ҳажмларини

6. Бугунги кунда киритилаётган инвестициялар хисобига қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар сонининг ўсиши, бир-бирлик инвестиция ҳажмига тўғри келадиган меъёрий ишчи ўринлари сони, инвестициялаш натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот қийматининг меърий кўрсаткичлари мавжуд эмас. Шу сабабли қурилиш хизматлари соҳасига киритилаётган инвестицияларнинг хисобига яратилиши мумкин бўлган иш ўринларини аниқлашнинг математик модели таклиф қилинади.
7. Математик моделни бир ишчи ўрнини яратишга тўғри келадиган инвестицион маблағ, инвестиция натижасида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳажмини ҳисоблаш имконини беради.
8. Такдим қилинаётган иқтисодий математик модел қурилишда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, фаолият юритаётган қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналарни модернизация қилишда оптимал инвестиция ҳажмларини аниқлаш имконини беради.
9. Марказлашган инвестициялар ва ЯИМ ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш, марказлашган инвестицияларнинг ҳажми ва ЯИМга нисбатан салмоғи 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.
10. Қурилиш хизматларини амалга оширишда инновацион омилларни эътиборга олган ҳолда барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига қурилиш ишларини самарали ташкил этиш чораларини кўриш лозим.
11. Вилоятда мавжуд қурилиш ташкилотларнинг фаоллигини ошириш орқали уларда қурилиш материаллари мустақил ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва шу орқали Самарқанд вилоятини иқтисодий тараққиётни юксалтиришга эришини таъминлаш.
Ушбу таклифларни эътиборга олиш ва амалиётда қурилиш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунилари

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 , 11-12 сон;
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонуни. ЎЗР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон;
3. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси. ЎЗР Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон;
4. Ўзбекистон Республикаси “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги қонуни. 1995 йил 21 декабрда
5. Ўзбекистон Республикаси “Солиқ Кодекси”, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон;

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586 сонли “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПК-1134 сонли “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарори;
3. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли “Замонавий архитектура – шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” фармойиши,
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046 сонли “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисида” Қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051 сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган ПҚ-1083 сонли “Қишлоқ қурилиш банк” очик турдаги акциядорлик тижорат банкни ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 10.№ ПҚ-1668 сонли “2012 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўрисида”ги Қарори;
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1167 сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 3 августдаги Қарори;
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўрисида”ги 2010 йил 17 июнь Қарори;
- 13.“Хусусий тадбиркорликка ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” Президент қарори 1995 йил 5 январ.
- 14.“Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги ПҚ-2137 сон қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги ПҚ-2137 сон қарори қабул қилинди

16. Асосий вазифамиз — Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. // Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси;

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизацияси ва ислохот этишдир”. – Т.: Ўзбекистон; НМИУ, 2005. – 78 бет;
2. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий иқтисодий инкирозга, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон. 2009 – 46 бет;
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.:4. –Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби. // Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси;
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ВМ мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи”, 2013 йил 19 январь, №9, 1-3 б.

IV. Асосий адабиётлар

1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (ОЎЮ учун дарслик). – Т.: Фан, 2005. – Б. 122-123 б.
2. Абдурахмонов М.А. Қурилиш статистикаси. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Тошкент – 2004.
3. Асаул А. Н., Скуматов Е. Г., Локтеева Г. Е. Методологические аспекты формирования и развития предпринимательских сетей / Под ред. д. э. н., проф. А. Н. Асаула. —СПб.: «Гуманистика», 2004. —172 с.
4. Асаул А.Н. Предпринимательская деятельность в строительном комплексе (экономические проблемы).-СПб.: ИСЭП РАН, 1996.-236 с.
5. Бузырев В.В., Ивашенцева Т.А., Кузьминский А.Г., Щербаков А.И. Экономика строительного предприятия: Уч. пос. - Новосибирск: НГАСУ, 1998. – 275 с.
6. Заренков В. А. Проблемы развития строительных компаний в условиях российской экономики. — СПб.: Стройиздат, 1999. Организация строительного производства: Учебник для вузов / Под ред. Цая Т. Н.,Грабового П. Г. — М.: Ассоциация строит. Вузов, 1999.
7. Иваницкий В.Л., Поляков В.Г., Полякова О.В., Щербаков А.И. Инвестиционная деятельность в строительстве: Уч. пос. - Новосибирск: НГАС, 1997. - 108 с.
8. Ионас Б.Я. Рынок строительных услуг, на современном этапе развития

10. Караганов С.А. Основы изучения и прогнозирования спроса на строительные услуги. – М.: НИМФРА, 2006;.
11. Лагинов М.М. Основы внешнеэкономической деятельности в строительстве. Учебное пособие. – М.: Стройиздат, 2001. – 207 с.;
12. Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили. Самарқанд Кооператив институти. 2001й.
13. Мирзаев Ш.Р. Меъморчилик. Тафаккур нашриёти. Тошкент – 2010 й.
14. Раҳимов Б.Х. Шаҳар қурилиши ва хўжалигини ташкил қилиш, режалаштириш ҳамда бошқариш. – Т.: Янги аср авлоди нашриёти. Тошкент – 2009 й.
15. Фисун В.А. Экономика строительства: Уч. пос. — М.:РГОТУПС, 2002.

III. Қўшимча адабиётлар

1. Б.Х. Раҳимов ва бошқ. Шаҳар қурилиши ва хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув кўлланма. :Т. 2010 й.
2. Друкер П. Управление в обществе будущего. М.: Вильямс ИД, 2007.
3. Друкер П. Эффективное управление. Экономические задачи и оптимальное решение. М.:Фаир-пресс. 1992 г–126 с.
4. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2007. – С. 107–109 б.
5. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик. Т.: Иқтисод молия, 2007.-320 бет
6. ШНҚ 2.07.04-06 “Қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш”. – Т.: ЎЗР “Давархитектқурилиш” кўмитаси. 2006, – 9 бет;
7. Шумпетер И. Теория экономического развития. М., 1982 г.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоблар

1. Қурилишда бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари // Иқтисод

2. Курилиш ташкилотлари фаолияти рақобатбардошлигини баҳолаш ва унинг таҳлилини такомиллаштириш йўллари // Иқтисод ва молия. №1, 2012. – С. 23–25 б;
3. Лагинов М.П., Логинова О.Н. Российский ипотечный комплекс – стратегия развития // Деньги и кредит, 2010, №3, 44-48 с.
4. Н.Ж. Туйчиев. Кўчмас мулкни баҳолаш хусусиятлари. \Архитектура. Курилиш. Дизайн. Илмий-амалий журнал, 2010 йил №3, 61-65 бет
5. Что нужно сделать, чтобы ликвидировать нищету и голод? // Экономическое обозрение. № 12 (декабрь), 2003. – 36 с.;
6. “Ўзмонтажмахсускурилиш”нинг муваффақиятли одимлари // ЎзИА. №1, 2009. –С. 30–36 б;
7. Бозор, пул ва кредит. 2010-2013 йиллар ва 2014 йил 1-4 сонлари;
8. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2010-2013 йиллар ва 2014 йилнинг 1-4 сонлари;
9. Самарқанд вилоят Давлат статистика бошқармасининг 2010-2013 йиллар маълумотлари;
- 10.ЎзР Давлат статистика кўмитасининг 2010-2013 йиллар маълумотлари;
11. Ўзбекистон Республикасининг 1990-2010 йиллардаги статистик тўплами, Тошкент - 2011.
- 12.Х.Т.Буриев. Курилиш сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш (Навоий вилояти мисолида)» и.ф.н. дисс. автореферати. Тошкент 2012 йил, 26 бет

IV. Интернет сайтлари

1. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси;
2. www.zakon.uz (akt.uz) - Ўзбекистон қонунчилиги сайти.
3. www.samstat.uz - Самарқанд статистика бошқармаси.
4. www.samobd.uz - Самарқанд вилояти ҳокимлиги сайти.

«Тасдиқлайман»

«NEW TECH

SAMARKAND" MCH

Рахбар М.Назберов

15 июнь 2014 йил

«Тасдиқлайман»

«Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти» нинг ўқув ишлари проректори, доцент

А.Бектемиров

15 июнь 2014 йил

Ўтказилган тадқиқот тавсиясининг фойдаланиши (қўлланиши) ҳақида

ДАЛОЛАТНОМА

Биз, қўйда имзоланган «NEW TECH SAMARKAND» рахбар М.Назберов ва бош бухгалтер Ш.Назберов томондан ва иккинчи томондан «Иқтисодиёт» кафедраси вакили «Иқтисодиёт» кафедраси мудири, Ш.А. Султонов ва магистрант Шокиров Ж.Р 2013 йил 20 январда берилган буюртмага мувофиқ ўтказилган тадқиқот натижаларининг қўлланилиши ҳақида мазкур далолатномани туздик.

Бошланган: 20 январ 2013 йил

Тугалланган ва буюртмачи томонидан қабул қилинган: 15 июнь 2014 йил

Тадбиқ этилди: 15 июнь 2014 йилда «NEW TECH SAMARKAND»

Тадбиқ этилган объект номи: «NEW TECH SAMARKAND»

Ишни, тадбиқ этишдан қўйдаги асосий натижалар олинди «NEW TECH SAMARKAND» ҳолати таҳлили такомиллаштириш йўллари аниқланди.

Иқтисодий самара тахминан - ҳисобланди

Буюртмачи

«NEW TECH

SAMARKAND

«Иқтисодиёт» кафедраси

вакили Ш.А. Султонов

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири



Изланишнинг бажарилишига

БУЮРТМА

Самарқанд шаҳри

20 январь 2014 йил

1. Буюртма берувчи: Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида жойлашган
„NEW TECH SAMARKAND“

Бажарувчи - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Иқтисодиёт кафедрасига кўйидаги мавзудаги топшириқдан келиб чиқиб изланиш (тадқиқот)ни бажариш юкланади»
„NEW TECH SAMARKAND“ ҳолати таҳлилин такомиллаштириш йўллари

2. Изланиш (тадқиқот) нинг бажарилиш муддати.

Бошланиши: 2013 йил 20 январдан

Тугаши: 2014 йил 15 июнгача

3. Кутиладиган натижалар: „NEW TECH SAMARKAND“ ҳолати таҳлилин такомиллаштириш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш

4. Бажарилган изланиш (тадқиқот) нинг топширилиши ва қабул қилини тартиби: „NEW TECH SAMARKAND“ ҳолати таҳлилин такомиллаштириш йўллари бўйича тайёрланган тавсияларни ёзма шаклда корхона раҳбариятига топшириш ва Далолатнома шаклида расмийлаштириш


Буюртмачи

Бажарувчи

„NEW TECH SAMARKAND“

«Иқтисодиёт» кафедраси
мудир

The block contains a handwritten signature in black ink over a circular official stamp. The stamp has text in Uzbek and Russian: 'UZBEKISTAN RESPUBLIKASI' and 'Samarqand viloyati Samarqand shahri'. The signature appears to be 'Abdusobitov'.

The block contains a handwritten signature in black ink over a circular official stamp. The stamp has text in Uzbek and Russian: 'UZBEKISTAN RESPUBLIKASI' and 'Samarqand viloyati Samarqand shahri'. The signature appears to be 'Sh.A. Sulstonov'.

Ш.А.Султонов

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ МАГИСТРАНТИ ШОКИРОВ ЖАМҲУРНИИ
ИШЛАР РЎЙХАТИ**

№	Мақолалар номи	Босма ёки қўлёзма	Нашриёт номи, йили, журнал	Босма тобок сони	Муал
1	2	3	4	5	
1	Қурилиш хизматлари ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари	Босма	“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусида республика анъанавий илмий-амалий конференциясида (2014 йил 21-22 февраль),	0,3	
2	Қурилиш хизматларининг қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни оширишдаги роли	Босма	“Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари” мавзусидаги иқтидорли талабалар ва магистрантларнинг илмий-амалий анжуманида(2014 йил 28-30 апрел)	0,2	

Талабгор:

Илмий котиб:

Гербли муҳр.

“21” июн 2014 йил



Ж.Р. Шокиров

Ҳ.И. Турдибеков

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Факультет: “Магистратура” бўлими

Магистратура талабаси: Шокиров Жамхур Рофеевич

Кафедра: “Иқтисодиёт”

Илмий раҳбар: и.ф.н доцент А.Б. Бектемиров

Ўқув йили: 2012 – 2014 ўқув йили

Мутахассислиги: 5A230102 – “Иқтисодиёт”

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда хўжалик юритишда тобора мустақил бўлиб бораётган қурилиш мажмуаси ва аввало унинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бўғинларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Иқтисодий адабиётларда хизматлар кўрсатиш секторида қурилиш хизматларининг таҳлили, уларни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида, махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур комплекс тадқиқ этилмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Иқтисодий тараққиётни таъминлашда қурилиш хизматларини янада кучайтириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқот объекти. Самарқанд вилоятидаги қурилиш хизматларини кўрсатиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматини кўрсатувчи корхоналар ҳамда буюртмачилар ўртасида вужудга келувчи қурилиш хизматлари бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқот усуллари. Магистрлик диссертацияда анализ, синтез, индукция ва дедукция, умумлаштириш, гуруҳлаш, таккослаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси куйидаги натижалар орқали намоён бўлади:

- қурилиш хизматлари соҳасини тикланиш босқичлари ва ҳолати ёритилди;
- Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари ҳажми, таркиби, қурилиш корхоналари сонининг 2014-2015 йилларга прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

(2014 йил 15 июндаги 12-сонли далолатнома) қурилиш корхонаси фаолиятида амалиётга қўллаш учун қабул қилинган.

Иш тузилиши ва таркиби. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари.

Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар илмий амалий анжуманларда маъруза қилинган ва таклифлар олимлар томонидан ижобий баҳоланиб, анжуманларнинг илмий тавсияларида ўз аксини топган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси
Қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қурилиш хизматларини амалга оширишда инновацион омилларни эътиборга олган ҳолда барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларига қурилиш ишларини самарали ташкил этиш чораларини қўриш лозим.
2. Вилоятда мавжуд қурилиш ташкилотларнинг фаоллигини ошириш орқали уларда қурилиш материалларни мустақил ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва шу орқали Самарқанд вилоятини иқтисодий тараққиётни юксалтиришга эришини таъминлаш.

Илмий раҳбар

Магистрант



А.Б. Бектемиров

Ж. Р. Шокиров

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Иқтисодиёт кафедраси
“Иқтисодиёт(тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги МИ-112
гуруҳи магистранти Шокиров Жамхур Рофеевичнинг “Қурилиш
хизматлари ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд
вилояти мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертациясига илмий
рахбар**

МУЛОҲАЗАСИ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти мавжуд қурилиш субъектларидан кўпроқ даромад ва фойда олишни тақозо қилади. Эндиликда қурилиш хизматларидан фойдаланиш фақат самара келтириши кераклиги муҳимдир. Бундай шароитда барча қурилиш корхона ва ташкилотларининг асосий мезони ҳам хизматлардан самарали фойдаланиш туфайли олинadиган фойда билан белгиланади. Иқтисодиётни ривожлантириш ва уни халқаро талаблар даражасига кўтаришда қурилиш хизматини кўрсатиш корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун муҳим замин яратади.

Қурилиш хизматини кўрсатиш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, корхоналарга маслаҳат, йўл-йўриқлар, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали қурилиш хизматларига талаб кучаймоқда. Зеро, қурилиш хизматлари фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак бўлмоқда.

Қурилиш хизматлари сихаси хўжалик юритишнинг тўлиқ бозор механизмларини амалга ошириш бўйича бошқа тармоқлардан анча орқадан қолмоқда. Шунингдек, мулк эгалари синфининг шаклланиши суст, йирик хусусий қурилиш фирмалари кам сонли, тадбиркорлик фаолияти ҳам керакли суръат ва кўламга эга бўлгани йўқ, қурилиш ташкилотлари ўртасида халқ жиддий рақобат муҳити шаклланмаган.

Умуман, иқтисодий адабиётларда хизматлар кўрсатиш секторидан қурилиш хизматларининг таҳлили, уларни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида, махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур комплекс тадқиқот этилмаган. Қайд этилган тадқиқотларнинг аксарияти собиқ иттифоқ даврида режали иқтисодиёт шароитида амалга оширилган бўлиб, уларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли, республикамизда қурилиш хизматларининг ўзига хос хусусияти ўз аксини топмаган. Юқорида таъкидланганлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Юқорида таъкидланганлар танланган тадқиқот мавзусининг

роли” деб номланиб, унда збекистонда қурилиш хизматлари соҳасини тикланиш босқичлари ва ҳолати, иқтисодий ўсишни таъминлашда қурилиш соҳасининг тутган ўрни, қурилиш хизматларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Иккинчи боб “Қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишда инновацион жараёнлар ва инвестициялар роли” қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари, қурилишда инновацион жараёнлар хусусияти ёритиб берилган. Шунингдек капитал қурилишга жалб этилаётган инвестицияларнинг оптимал ҳажмини аниқлашнинг иқтисодий математик модели ишлаб чиқилган.

Учинчи боб “Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш” деб номланган. Ушбу бобда Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматининг ўрни таҳлил қилинган, Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ҳажмининг 2014-2015 йилларга прогност кўрсаткичлари келтирилган.

Диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича хулосалар келтирилган ва самарқанд вилоятида қурилиш хизматларини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилган.

Ж.Р.Шокировнинг “Қурилиш хизматларининг ҳолати ва уларни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида)” номли диссертациясининг аҳамияти катта бўлиб, ишнинг тузилиши, мазмуни ва моҳияти магистрлик диссертациясига қўйиладиган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Ж.Р. Шокиров Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг ўқув ишлари бўйича
проректор и.ф.н., доцент**

А.Б. Бектемиров



**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Иқтисодиёт кафедраси
“Иқтисодиёт(тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги МИ-112
гуруҳи магистранти Шокиров Жамхур Рофеевичнинг “Курилиш
хизматлари ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд
вилояти мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

ТАҚРИЗ

Иқтисодиётни эркинлаштирилиши ва ислохотларни чуқурлаштирилиши натижасида қурилиш хизматини кўрсатиш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, корхоналарга маслаҳат, йўл йўриқлар, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатадиган малакали қурилиш хизматларига талаб кучаймоқда. Зеро қурилиш хизматлари фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак бўлмоқда.

Бундай фаолиятнинг асосий вазифаси, биринчи навбатда қурилиш хизматини кўрсатувчи корхоналарда молия – хўжалик фаолиятини назорат қилиб турадиган, фаолият натижаларини баҳолайдиган жорий ва йиллик ҳисоботларнинг Республикамиздаги барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мос ҳолда уларни қонуний хизмат кўрсатилишини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда хўжалик юритишда тобора мустақил бўлиб бораётган қурилиш мажмуаси ва аввало унинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бўғинларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Умуман, иқтисодий адабиётларда хизматлар кўрсатиш секторида қурилиш хизматларининг таҳлили, уларни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида, махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур комплекс тадқиқ этилмаган. Қайд этилган тадқиқотларнинг аксарияти собиқ иттифок даврида режали иқтисодиёт шароитида амалга оширилган бўлиб, уларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли, республикамизда қурилиш хизматларининг ўзига хос хусусияти ўз аксини топмаган. Юқорида таъкидланганлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб “Ўзбекистон республикасида қурилиш хизматларининг ҳолати ва иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли” деб номланиб, унда Ўзбекистонда қурилиш хизматлари соҳасининг тикланиш босқичлари ва ҳолати, иқтисодий ўсишни таъминлашда қурилиш соҳасининг тутган ўрни, қурилиш хизматларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

этилатган инвестицияларнинг оптимал ҳажмини аниқлашнинг иқтисодий математик модели ишлаб чиқилган.

Учинчи боб **“Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш”** деб номланган. Ушбу боб Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматининг ўрни таҳлил қилинган, Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ҳажмининг 2014-2015 йилларга прогностика кўрсаткичлари келтирилган.

Диссертациянинг хулоса ва тақлифлар қисмида тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича хулосалар келтирилган ва Самарқанд вилоятида қурилиш хизматларини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилган.


Шу билан бирга диссертация ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Улар жумласига қуйидагини киритиш мумкин:

- ишда айрим грамматик ва орфографик хатоларга йўл қўйилган.
- расмлар ва диаграммаларнинг рақамланишида айрим кетма-кетликлар бузилган.

Аммо ушбу камчилик диссертациянинг илмий савиясини пасайтирмайди. Шу сабабли Ж.Р.Шокировнинг **“Қурилиш хизматларининг ҳолати ва уларни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида)”** номли диссертациясининг аҳамияти катта бўлиб, ишнинг тузилиши, мазмуни ва моҳияти магистрлик диссертацияси талабларига жавоб беради ва унинг муаллифи Ж.Р. Шокиров Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

**Самарқанд Иқтисодиёт ва
сервис институти
“Иқтисодиёт” кафедраси
и.ф.н. профессор**

Абдукаримов Б.А.



**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Иқтисодиёт кафедраси
“Иқтисодиёт(тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги МИ-112
гуруҳи магистранти Шокиров Жамхур Рофеевичнинг “Қурилиш
хизматлари ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд
вилояти мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

ТАҚРИЗ

Бозор иқтисодиёти мавжуд қурилиш субъектларидан кўпроқ даромад ва фойда олишни тақозо қилади. Эндиликда қурилиш хизматларида фойдаланиш фақат самара келтириши кераклиги муҳимдир. Бозор иқтисодиёти шароитида барча қурилиш корхона ва ташкилотларининг асосий мезони ҳам хизматлардан самарали фойдаланиш туфайли олинадиган фойда билан белгиланади. Бундай натижага қабул қилинган қонун қоидаларга тўлиқ амал қилиш орқали эришиш мумкин. Иқтисодиётни ривожлантириш ва уни халқаро талаблар даражасига кўтаришда қурилиш хизмати кўрсатиш бошқа корхоналарнинг фаол фаолият кўрсатишлари учун муҳим замин яратади.

Қурилиш хизматлари соҳаси хўжалик юретишнинг тўлиқ бозор механизмларини амалга ошириш бўйича бошқа тармоқлардан анча орада қолмоқда. Шунингдек, мулк эгалари синфининг шаклланиши суст, йирик хусусий қурилиш фирмалари кам сонли, тадбиркорлик фаолияти ҳам керакли суръат ва кўламга эга бўлгани йўқ, қурилиш ташкилотлари ўртасида ҳали жиддий рақобат муҳити шаклланмаган. Бугунги кунда хўжалик юретишда тобора мустақил бўлиб бораётган қурилиш мажмуаси ва аввало унинг ишлаш чикариш, хизмат кўрсатиш бўғинларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Умуман, иқтисодий адабиётларда хизматлар кўрсатиш секторид қурилиш хизматларининг таҳлили, уларни мустаҳкамлаш масалалари алоҳида, махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур комплекс тадқиқ этилмаган. Қайд этилган тадқиқотларнинг аксарияти собиқ иттифок даврида режали иқтисодиёт шароитида амалга оширилган бўлиб, уларда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли, республикаимизда қурилиш хизматларининг ўзига хос хусусияти ўз аксини топмаган. Юқорид таъкидланганлар танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб “Ўзбекистон республикасида қурилиш хизматларининг ҳолати ва иқтисодий тараққиётни таъминлашда

Иккинчи боб “**Қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишда инновацион жараёнлар ва инвестициялар роли**” қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари, қурилишда инновацион жараёнлар хусусияти ёритиб берилган. Шунингдек капитал қурилишга жалб этилаётган инвестицияларнинг оптимал ҳажмини аниқлашнинг иқтисодий математик модели ишлаб чиқилган.

Учинчи боб “**Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш**” деб номланган. Ушбу бобда Самарқанд вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қурилиш хизматининг ўрни таҳлил қилинган, Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари корхоналарининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган инвестициялар ҳажмининг 2014-2015 йилларга прогнози кўрсаткичлари келтирилган.

Диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқотнинг асосий мазмуни бўйича хулосалар келтирилган ва Самарқанд вилоятида қурилиш хизматларини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилган.

Шу билан бирга диссертация ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Улар жумласига қуйидагини киритиш мумкин:

- ишда айрим грамматик ва орфографик хатоларга йўл қўйилган.
- расмлар ва диаграммаларнинг рақамланишида айрим кетма-кетликлар бузилган.
- адабиётлар рўйхатида камчиликлар бор.

Аmmo ушбу камчилик диссертациянинг илмий савиясини пасайтирмайди. Ушбу камчиликларни диссертация ҳимояси кунига қадар бартараф этиш учур вақт етарли. Шу сабабли Ж.Р.Шокировнинг “**Қурилиш хизматларининг ҳолати ва уларни такомиллаштириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида)**” номли диссертациясининг аҳамияти катта бўлиб, ишнинг тузилиши, мазмуни ва моҳияти Давлат Аттестация Ҳайъати томонидан қўйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Ж.Р.Шокиров Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун лойиқ деб ҳисоблайман.

Самарқанд давлат университети
“Ижтимоий иқтисодиёт”
факултети декани, и.ф.д. проф.



Тураев Б.Х.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
«Иқтисодиёт» кафедраси


«Тасдиқлайман»
“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири,
и.ф.н. профессор
В.А. Абдукаримов

20 январ 2013 йил

Диссертация иш бўйича «Магистратура» бўлимининг
«Иқтисодиёт» мутахассислиги 2 курс магистранти

Шокиров Жамхур Рофеевич

ТОПШИРИҚ

1. Диссертация ишнинг мавзуси: “Қурилиш хизматлари ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари” (Самарқанд вилояти мисолида)

2. Институт ректорининг буйруғи билан Диссертация иш мавзуси

тасдиқланган 30.11.2012 93-Т
(сана, буйрук рақами)


3. Диссертация иш бўйича бирламчи маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, фармонлари, қарорлари, китоблар ва монографиялар.


Диссертация иш режаси ва муддатлари

№	Диссертация иш бўлимлари	Бажарилиш муддатлар
1	Кириш	14.09.2013
2	I Боб. Ўзбекистон Республикасида қурилиш хизматларининг ҳолати ва иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги роли	24.09.2013 йилдан 30.11.2013 йилгача
3	II Боб. Қурилиш хизматлари самарадорлигини оширишда инновацион жараёнлар ва инвестициялар роли	10.12.2013 йилдан 15.02.2014 йилгача
4	III Боб. Самарқанд вилоятида қурилиш хизматлари самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш	01.03.2014 йилдан 21.04.2014 йилгача
5	IV-боб. Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналари ходимлар меҳнат фаолияти ва ёнғин хавсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар	23.04.2014 йилдан 26.04.2014 йилгача
6	Хулоса ва таклифлар	29.04.2014
7	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	30.04.2014

Топширик берилган сана: 21.01.2013 йил

Тулаган диссертация ишини топшириш муддати: 10.06.2014 йил

Диссертация иш раҳбари: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув ишлари бўйича проректори
и.ф.н., доцент А. Б. Бектемиров. 

Топширикни олдим: 

REPUBLIC OF UZBEKISTAN MINISTRY OF HIGHER AND VOCATIONAL EDUCATION

SAMARKAND INSTITUTE OF ECONOMICS & SERVICE

SUMMARY OF MASTER'S THESIS

Faculty: "MASTERS"

Graduate student: Shokirov Jamhur Rofeevich

Chair: "Economics"

Scientific supervisor: PhD ass.prof. Bektemirov A.B.

Academic year: 2012-2014

Major: 5A230102-"Economics"

Relevance of the issue. Nowadays it is necessary to reconsider the questions regarding the management in building complexes first of all the maintenance and development which are having been become independent.

In the economic literature analysis of building services in the sector of providing services, have not been investigated deeply in complex as an object of investigation.

The work purpose and tasks. Consists of developing the scientific offer and practical recommendations aimed in strengthening and improving the construction services for economic development.

The object of investigation. Is to be considered the performing construction services within the territory of Samarkand region.

The subject of investigation. Is to be considered construction services arising between the construction services providing companies and the customers within the territory of Samarkand region.

The styles of investigation. In master's thesis were analysis, synthesis, induction and deduction, totalization, grouping, and other economic and statistical methods.

The innovation degree of investigation results.

- There was developed the forecast indicators of Samarkand region construction services volume, content, and the constructional companies' amount for the 2014-2015.

The practical introduction and value of investigation results.

The investigation results practical value is can be described by the offering the new direction regarding the strengthening the control to increase the firmness in providing the construction services. The theoretical and practical offers resulted from investigation are accepted (statement # 12 of June 15, 2014) by the "New Tech Samarkand" LLC construction company to use in practice.

The work structure & content. Master's thesis is consists of introduction, three chapters, conclusion and used literature.

The main results of performed work.

The conclusions and scientific results derived from performed investigation were the subject in scientific conferences and positively evaluated by the scientists, reflected in recommendation of scientific conferences.

The short summary conclusion and offers combination

The following scientific offer and practical recommendations are developed:

1. Taking into consideration the innovation factors in performing the construction services it is necessary to make arrangements in economical-social spheres.
2. To ensure the economical development of Samarkand region through increasing the activity of existed constructional companies of the region impelling them to produce the constructional materials independently.

Scientific supervisor:

A.B.Bektemirov

Graduate:

J.R.Shokirov

